2023-yil
10-noyabr
juma
№ 133-134
(4886)

# Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 16-саммити бўлиб ўтди.




# ҲАМКОРЛИКДА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ САРИ

## КУН нафаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** 8 ноябрь куни Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) бош котиби **Хусрав Нозирийни қабул қилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммити тадбирлари доирасида Бош вазир **Анвар ул-Ҳақ Какар бошчилигидаги Покистон Ислом Республикаси делегацияси билан музокара ўтказди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** ИҲТ саммитида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров билан учрашув ўтказди.**

8 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёевнинг** Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти 16-саммитида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоған билан учрашуви** бўлиб ўтди.

Пойтахтимизда ўтаётган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммити тадбирлари доирасида 9 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёевнинг** Эрон Ислом Республикаси Президенти **Иброҳим Раисий билан учрашуви** бўлиб ўтди.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон билан музокара ўтказди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммитида иштирок этиш учун Тошкент шаҳрига келган Туркманистон Президенти **Сердар Бердимуҳамедов билан учрашув ўтказди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** ИҲТ саммитининг асосий тадбирларида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев билан музокара ўтказди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммитида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган Қозоғистон Республикаси Бош вазири **Алихан Смаиловни қабул қилди.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Ҳурматли Бош котиб!

Анжуман иштирокчилари!

Авваламбор, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитида сизлар билан учрашиб турганимдан беҳад хурсандман.

Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!

Бугунги олий даражадаги учрашувимиз бизнинг умумий тараққиёт йўлида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга бўлган қатъий интилишимизнинг яққол далилидир.

Бугун кўз ўнгимизда дунё сиёсий архитектураси том маънода ўзгармоқда ва глобал қайта қурилиши содир бўлмоқда.

Бу мураккаб жараёнларда ўзининг катта ўрнига эга бўлган Ташкилотимиз давлатлари биргаликда ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиши, вужудга келаётган хавф-хатарларга қарши самарали ечимлар топиши муҳимдир.

**«Ҳамкорликда иқтисодий барқарорлик ва тараққиёт сари»** шиори остида ўтаётган саммитимизда сиз, азиз ҳамкасбларим билан кўп томонлама алоқаларимизни янги босқичга олиб чиқиш ва энг долзарб масалалар бўйича батафсил фикр алмашамиз.

Барчангизга бугунги тадбиримизда иштирок этаётганингиз ва ўзаро манфаатли муносабатларимиз равнақига қўшаётган улкан ҳиссангиз учун алоҳида ташаккур билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, Озарбайжон Республикаси Президенти ҳурматли Илҳом Ҳайдарович Алиевни Ташкилотимиздаги муваффақиятли раислиги билан самимий табриклайман.

Озарбайжон раислиги доирасида **«Яшил ўтиш ва ўзаро боғлиқлик йили»**да ўтказилган қатор тадбир ва ташаббуслар амалий шериклигимизни кенгайтиришга салмоқли ҳисса қўшди.

Келгуси йилда Ташкилотимизга раислик қиладиган Эрон Ислом Республикасининг минтақавий савдони ривожлантириш орқали ҳамкорликни янада чуқурлаштириш борасидаги режа ва мақсадларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

2 >>>

## Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси йиғилиши: МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ҲАМДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



3

www.ishonch.uz
ishonch1991@yandex.uz
https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi
https://t.me/ishonchgz

2023-YIL 10-NOYABR, JUMA
№ 133-134 (4886)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

<<< 1

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Бундан роппа-роса икки йил олдин Ашхобод шаҳрида Ташкилотимизнинг ўн бешинчи саммитини муваффақиятли ўтказган эдик. Туркманистондаги йиғилишимизда қабул қилинган муҳим қарорлар тузилмамиз фаолиятига янги нафас олиб кирди.

Ташкилотни ислоҳ қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш, халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, транспорт вазирларимиз қабул қилган Тошкент декларациясининг муҳим аҳамиятини алоҳида қайд этмоқчиман.

Боку шаҳрида Тоза энергия марказини ташкил этиш ва минтақавий электр энергияси бозорини яратиш масаласи бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Экология соҳасида юқори даражадаги мулоқот платформаси тузилди. Туризм ҳамкорлигини янада кенгайтириш мақсадида биринчи бор Ташкилот туроператорлари тармоғи яратилди ва Хавфсиз туризмни ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Қадрли делегациялар раҳбарлари!

Ташкилотимиз аъзоларини муштарак тарих ва муқаддас ислом динимиз, бой маданият ва ўхшаш қадриятлар чамбарчас боғлаб туради.

Ярим миллиард аҳоли яшайдиган кенг минтақамиз савдо-иқтисодий, саноат, инвестиция ва инновациялар, транспорт соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришда катта салоҳиятга эга.

Таҳлилларга кўра, жаҳондаги глобал инқирозга қарамасдан, бизнинг иқтисодиётларимиз барқарор ўсиш суръатларини намоён этмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ортга қайтмас ислоҳотлар жадал амалга оширилаётганидан барчангиз яхши хабардорсиз. Биз иқтисодиётни либераллаштириш, халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада юксалтиришга асосий эътиборни қаратяпмиз.

Янги Ўзбекистонда сўнгги олти йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми бир ярим баробар кўпайди. 2030 йилга қадар ушбу иқтисодий кўрсаткични яна икки баробарга оширишни мўлжаллаяпмиз. Бунга, аввало, «яшил» иқтисодиёт ва замонавий инфратузилмани барпо этиш, хусусий секторни рағбатлантириш ва янги иш ўринлари яратиш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш ҳисобидан эришиш кўзда тутилмоқда.

Бу борада халқаро майдонда ўз овози ва нуфузига эга Ташкилотимизнинг барча аъзолари билан самарали ишлашга тайёрмиз. Зеро, яқин ва яхши қўшни бўлган мамлакатларимиз иқтисодиётлари бир-бирини тўлдира олади. Умумий савдо-транспорт коридорлари ва энергетика тармоқлари эса давлатларимизни узвий боғлайди. Биз янги «ўсиш нуқталари»ни биргаликда излаб топиш орқали келгусида салмоқли натижаларга албатта эришамиз.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Ўзбекистон Ташкилотимизнинг асосий ҳужжати бўлган «Истиқболлар – 2025» ижросини сарҳисоб қилишни қўллаб-қувватлайди. Ҳозирча ишга солинмаётган катта имкониятларнинг чуқур таҳлили асосида Ташкилотимизнинг келажакдаги устувор соҳа ва тармоқларини белгилаб берувчи **«Иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик мақсадлари – 2035»** концептуал ҳужжатини ишлаб чиқиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу муҳим ҳужжатда қуйидаги асосий йўналишларга эътибор қаратиш лозим.

**Биринчидан,** ўзаро савдони рағбатлантириш. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо кўрсаткичи 85 миллиард долларни ташкил этди. Бу Ташкилотга аъзо давлатлар умумий ташқи савдосининг атиги 8 фоизи демакдир. Афсуски, имтиёзли савдо битимини тузиш бўйича кўп йиллик уринишлар кутилган самарани бермаяпти. Тўсиқсиз савдони шакллантириш йўлида ҳали-ҳамон кўплаб чеклов ва муаммолар сақланиб қолмоқда.

Бу ҳолатларни очиқ тан олишимиз ва уларни ижобий томонга ўзгартириш учун вазиятга янгича қараш билан ёндашиш керак. Шу муносабат билан экспертларимиз томонидан ишлаб чиқилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида савдони соддалаштириш тўғрисидаги битимни қабул қилишга чақираман.

Ушбу ҳужжатда товар ва хизматлар савдосини енгиллаштириш, техник ва нотариф тўсиқларни бартараф этиш, божхона, фитосанитария ва ветеринария тартиб-қоидаларини рақамлаштириш, электрон савдони ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу чора-тадбирлар орқали 2035 йилга бориб ўзаро савдо ҳажмларини камида икки баробар кўпайтириш мумкин.

**Иккинчидан,** ўзаро транспорт-коммуникация боғлиқлигини кучайтириш. Аъзо давлатларнинг аксарияти денгизга тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга эмас. Шу билан бирга, Осиё-Тинч океани, Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Европа минтақаларининг йирик бозорлари билан боғлайдиган ва бизнинг ҳудудларимиз орқали ўтадиган трансконтинентал транспорт йўлаклари салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишимиз зарур.

Келгусида «Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон» ва Трансафғон мультимодал йўлларининг ишга туширилиши барча аъзо давлатлар манфаатларига мос келади.

Тошкентда 2 ноябрда бўлиб ўтган транспорт вазирларининг йиғилишида «Ўзбекистон – Туркманистон – Эрон – Туркия» транспорт йўлагини ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳужжатга бошқа аъзоларни ҳам қўшилишга, ўзаро тариф ва йиғимларни мақбуллаштиришга чақираман.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Озарбайжон ва Туркия билан юк ташиш ҳужжатларини рақамлаштирди, шунингдек, бошқа давлатлар билан бундай лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бу каби замонавий тизимларни кенг жорий қилиш ҳамда самарали мувофиқлаштириш учун Тошкент шаҳрида Ташкилотнинг Рақамли транспорт ва божхона офисини ташкил этиш ташаббусини билдираман.

**Учинчидан**, саноат кооперацияси ҳамда ишбилармонлик алоқаларини фаоллаштириш, индустриал хабларни шакллантириш.

Биз ўзаро инвестициялар оқимини кўпайтириш, уларни ҳимоя қилиш ва саноат кооперациясини чуқурлаштириш бўйича Қўшма ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиб, Ташкилотимиз Котибиятига тақдим этдик. Мазкур ҳужжатда кимё, энергетика, геология, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика ва қурилиш соҳаларида янги қўшма лойиҳаларни илгари суриш мақсад қилиб қўйилган. Бу эзгу йўлда Ташкилотнинг Савдо ва тараққиёт банки билан шериклик алоқаларини кенгайтириш тарафдоримиз.

Кеча Тошкентда ўтган Савдо-саноат палаталари ва кўплаб компанияларимиз раҳбарлари иштирокидаги бешинчи бизнес-форум хусусий секторда катта салоҳиятга эга эканимизни яққол кўрсатди. Биз Ташкилотимиз доирасида ҳудудлараро саноат кўргазмасини ташкил этиш ва унинг дастлабки тадбирини 2024 йилда юртимизда ўтказиш таклифини илгари сурамиз.

**Тўртинчидан,** энергетика хавфсизлигини кафолатли таъминлаш. Миллий энергетика стратегияларини уйғунлаштириш, минтақалараро энергия ресурсларини узатиш тармоқларини ривожлантириш, «яшил» энергетика технологияларини кенг жорий этишнинг аҳамияти ошмоқда.

Биз Ташкилотнинг энергетика соҳасида ҳамкорлик стратегиясининг асосий йўналишларидан бири бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдамиз. 2030 йилгача 25 гигаватт қувватдаги қайта тикланувчи энергия манбаларини яратишни ва балансимизда уларнинг улушини 40 фоизга етказишни мақсад қилганмиз. Шу йилнинг ўзида 2 гигаватт қувватдаги йирик шамол ва қуёш электр станцияларини ишга туширяпмиз. Шунингдек, «яшил водород» ишлаб чиқариш соҳасида ҳам илк қадамларни қўймоқдамиз. Ушбу йўналишларда барча давлатлар билан очиқ мулоқот ва тажриба алмашишга тайёрмиз.

Ҳамкорлик масалаларини батафсил муҳокама қилиш ва ишларни тизимли асосда олиб бориш учун Ташкилотимиз доирасида алоҳида Энергетика вазирлари кенгашини таъсис этишни таклиф этамиз.

**Бешинчидан,** иқлим ўзгаришларига қарши кураш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича алоқаларни жадаллаштириш. Ҳозирги вақтда бизнинг давлатларимиз бу ўткир муаммоларнинг оғир оқибатларига дуч келмоқда. Музликларнинг эриши, сув ресурслари тақчиллиги, чўлланиш, чанг бўронлари, тупроқ емирилиши ва биологик хилма-хилликнинг йўқолиши каби жараёнлар қаттиқ хавотир уйғотмоқда.

Тузилмамиз доирасида Экология масалалари бўйича юқори даражали платформа яратиш борасида ғоямизни қўллаб-қувватлаганингиз учун ташаккур изҳор этаман. Унинг биринчи анжуманини 2024 йили Самарқанд иқлим форуми доирасида ташкил этишга тайёрмиз.

Шунингдек, келгуси ҳафтада юртимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси бажарилишини кўриб чиқиш бўйича қўмита йиғилишида вакилларингизни фаол иштирок этишга чорлаймиз. Ҳозирги вақтда тобора жиддий муаммога айланиб бораётган қум-чанг бўронларига қарши курашиш мақсадида Самарқанд декларациясини қўллаб-қувватлашга чақирамиз.

**Олтинчидан,** туризм соҳасида ҳамкорликни кучайтириш. Яқинда 140 дан ортиқ давлатлар иштирокида Самарқандда бўлиб ўтган Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеяси сессияси минтақамиз сайёҳлик салоҳиятига бутун дунё эътиборини жалб этиш борасида тарихий воқеа бўлди.

Бугунги кунда Ташкилот маконида ЮНЕСКОнинг 90 га яқин Бутунжаҳон мероси объектлари жойлашган бўлиб, мамлакатларимизга ҳар йили салкам 80 миллион хорижий сайёҳлар ташриф буюрмоқда.

Трансчегаравий йўналишлар тобора оммалашаётганини ҳисобга олиб, қўшма туристик маршрутларни жорий этиш ҳамда «Ипак йўли» сайёҳлик бренди остида умумий сайёҳлик дастурларини кўпайтиришни таклиф этаман.

Ташкилотимиз Котибияти ҳузурида аъзо мамлакатларнинг туризм маъмуриятлари ва етакчи экспертлардан иборат алоҳида Туризм бўйича маслаҳат қўмитасини ташкил этиш таклифини билдирмоқчиман. Унинг илк учрашувини келгуси йили Ташкилотимизнинг туризм пойтахти деб эълон қилинган Шаҳрисабз шаҳрида ўтказишга тайёрмиз.

Шунингдек, аъзо давлатларни Самарқандда очилган Бутунжаҳон туризм ташкилотининг Халқаро туризм академияси имкониятларидан унумли фойдаланишга чақирамиз.

**Еттинчидан,** маданий-гуманитар ҳамкорликни чуқурлаштириш орқали дўст халқларимизни янада яқинлаштириш. Ҳар йили мамлакатларимизда навбат билан Маданият, санъат ва кино ҳафталикларини ўтказиб бориш, ёшларнинг ижодий фестиваллари ва инновацион ҳамкорлик платформасини йўлга қўйиш, фундаментал илмий йўналишларда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш алоқаларимиз ривожига кучли туртки бағишлайди.

Ҳурматли саммит қатнашчилари!

Глобал тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид солаётган Яқин Шарқдаги Фаластин – Исроил уруши барчамизда катта ташвиш уйғотмоқда. Минг афсуски, бу қонли низо оқибатида аввало, тинч аҳоли вакиллари, айниқса, аёллар, болалар ва кексалар кўплаб қурбон бўлмоқда. Урушнинг минтақа бўйлаб ёйилиб кетиш хавфи тобора реал тус олмоқда.

Қарама-қаршиликнинг кенг кўламли низога айланиб кетишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Биз томонларни зудлик билан ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга, тинч музокараларни бошлаш, оқилона муросага келишга чақирамиз.

Фаластин халқи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти резолюциялари билан тасдиқланган ҳуқуққа, яъни ўзининг мустақил давлатини барпо этиш ҳуқуқига эга, деган қатъий позициямизни яна бир бор билдирамиз.

Шунингдек, бугунги саммит Ташкилотимиз аъзоларидан бири бўлган Афғонистон иштирокисиз ўтаётганига диққатингизни қаратмоқчиман.

Асрлар давомида бизга ён қўшни бўлган кўпмиллатли Афғонистон халқини бугунги мураккаб муаммолари қаршисида ёлғиз қолдириб бўлмайди. Ушбу мамлакатни минтақавий интеграция жараёнларига фаол жалб этиш барқарор тараққиётимизнинг ажралмас ва зарурий шартидир.

Барчангизни афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатишни кўпайтиришга, ушбу мамлакатдаги ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жамоавий масъулият ва мақбул механизмлар асосида ҳал этишга чақираман.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Нутқимнинг якунида алоҳида таъкидламоқчиманки, бугунги тарихий саммит ва унинг натижалари Ташкилотимизни самарали ва таъсирчан тузилмага айлантиришга, кўпқиррали шериклигимизни янги марраларга олиб чиқишига ишонаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

---

Тадбир



## Темирйўлчилар тақдирланди

**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» АЖДА 11 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда жамият бошқаруви раиси З.Нарзуллаев, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Қ.Собиров, жамият масъул ходимлари ҳамда касаба уюшмалари аъзолари, ишчи-ходимлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар касаба уюшмалари амалга ошираётган ишларга тўхталиб, тармоқ ходимлари ҳамиша эътиборда эканлигига алоҳида урғу беришди. Тизимдаги болалар оромгоҳлари, соғлиқни сақлаш, маданий-маърифий ва спорт объектларини сақлаш, аҳолига кўрсатиладиган хизматлардан тушадиган тушумларни ошириш ҳамда уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш юзасидан тизимли ишларни амалга ошириш учун «Темир йўл ижтимоий хизматлар» муассасаси ташкил этилиши, меҳнат унумдорлиги ва унинг сифатини кескин даражада яхшилаш мақсадида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий натижасини беришини таъкидлаб ўтишди.

Тадбир йил фаоллари ва илғорларини тақдирлашга уланиб кетди. Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш мавсуми ташкилотчилари, «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ғолиблари, Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови 2-босқич натижалари ғолиблари, «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси вакили», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис» номинациялари ғолиблари тақдирланди. Уларга диплом, ташаккурнома ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Байрам муносабати билан тизимда ишлайдиган кам таъминланган, кўп болали, фарзанд кўрмаган оилалар аъзолари ҳамда олис ва чекка ҳудудларда мураккаб иқлим шароитида истиқомат қилувчи 10 нафар тармоқ ишчи-ходимига Тошкент вилоятида жойлашган «Назарбек» санаторийсига бепул йўлланмалар берилди.

**Назокат НУРМАТОВА**

---

Қорақалпоғистон Республикаси

Очиқ мулоқот

## Ёшлар – касаба уюшмалари эътиборида

**Нукус шаҳридаги «Ёшлар маркази»да Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан «Ёшлар – касаба уюшма эътиборида» мавзусида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши раиси У.Жалменовнинг ёшлар билан очиқ мулоқоти бўлиб ўтди.**

Мазкур тадбирда ёшларга мамлакатимизда демократик тамойиллар, шунингдек, уларнинг ҳуқуқий онги, маданияти, ижтимоий фаоллигини ошириш йўлидаги ишлар тўғрисида батафсил маълумотлар бериб ўтилди. Албатта, талаба-ёшлар томонидан берилган саволлар ҳам эътибордан четда қолмади.

Тадбирда, шунингдек, касаба уюшмалари тизимини такомиллаштириш йўналишида амалга оширилаётган ишлар, бу орқали Меҳнат кодекси, жамоа келишувлари ва шартномаларига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар хусусида ҳам сўз юритилди. Жамоат ишларида фаол иштирок этиб келаётган бир гуруҳ талабаларга, жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали талабаси Айтуған Шаниязовга соғлиғини тиклаши учун энг яхши санаторийлардан бирига йўлланма, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабаси Бону Давлетовага касаба уюшмалари томонидан таъсис этилган стипендия сертификати топширилди. Яна бир гуруҳ ёшлар фахрий ёрлиқ ҳамда совғалар билан рағбатлантирилди.

– Бундай тадбирларнинг ўтказиб турилиши биз, ёшлар учун жуда катта мотивация бўлиш билан бирга, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан янада кўпроқ хабардор бўлиш имконини беради ҳамда олдимизга қўйган мақсад сари интилишимизга замин яратади, – дейди талаба Г.Сарибаева.

***

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети касаба уюшма қўмитаси томонидан ҳам файзли тадбир ўтказилди.

Мазкур байрамона тадбирда университет профессор-ўқитувчилари, цех бошлиқлари, касаба уюшма фаоллари қатнашди.

Тадбирни Қорақалпоқ давлат университети ректори А.Реймов очиб берди. Шундан сўнг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши раиси У.Жалменов сўзга чиқиб, кеча меҳмонларини юртимизда кенг нишонланаётган Ўзбекистон касаба уюшмалари куни байрами билан қизғин табриклади.

**Фотима АБДУРАИМОВА**
«ISHONCH»



# МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ҲАМДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



## КАСАБА УЮШМАЛАРИ УМУМКОНФЕДЕРАЦИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

**Ўзбекистон касаба уюшмалари саройида Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси Ижроия қўмитасининг КУУ президенти Александр Корчагин бошчилигидаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

Тадбирни Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси Президенти А.Корчагин, Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси вице-президенти Қ.Рафиқов, Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси Бош котиби А.Назейкин табрик сўзлари билан очиб бердилар. Улар Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барча соҳалар қатори ижтимоий-меҳнат муносабатларида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини, жумладан, меҳнат ҳуқуқларини халқаро меъёрлар даражасида ҳимоя қила оладиган янги Конституцияси ҳамда янги Меҳнат кодекси қабул қилинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси давлат ижтимоий сиёсатини шакллантириш ва олиб боришда фаол иштирок этиб, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг янги моделини яратишга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг ташаббуси ва ғайрати билан «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун кенг муҳокамадан сўнг қабул қилинди. Меҳнат муносабатларини тартибга солувчи янги қонунлар ишлаб чиқилмоқда, кўплаб муҳим ижтимоий ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ижтимоий шериклар ўртасида катта ишонч ва нуфузга эга. Ўзбекистон касаба уюшмаларининг масъулиятли тутуми, уларнинг меҳнаткашлар манфаати йўлидаги фаол ҳаракати республика ҳаётининг барча жабҳаларига ижобий таъсир кўрсатмоқда, меҳнаткашлар турмушини яхшилашга, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

А.Назейкин, Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракати Касаба уюшмалари Умумконфедерациясига аъзо ташкилотлар орасида чуқур ва самимий ҳурмат қозонганини, алоҳида таъкидлар экан, муносиб меҳнат, касаба уюшмалари ҳамжиҳатлиги учун курашда ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлигига ишора қилди.

Йиғилиш Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси Ижроия қўмитаси мажлисининг кун тартиби ва уни ўтказиш меъёрларини тасдиқлаш каби ташкилий масалаларни кўриб чиқиш билан бошланди.

Учрашувда иккита глобал масала: «Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик шартларига риоя қилишда касаба уюшмаларининг роли тўғрисида» ва «Минтақа мамлакатларида фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги масалалар муҳокама қилинди.

Дастлабки мавзу юзасидан сўзга чиққан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Нодира Ғойибназарова меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсиз шароитларни таъминлаш масалалари касаба уюшмалари учун асосий вазифалардан бири бўлиб келганини урғулади.

Меҳнаткашларнинг соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқаришда мамлакат касаба уюшмалари алоҳида ўрин тутади. Ижтимоий шерикликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишда катта аҳамиятга эга.

Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг асосий вазифаси ижтимоий шериклик механизмларини кенг қўллаган ҳолда ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар ва касбий касалликлар ҳолатларига муносабат билдиришдан ходимларнинг соғлиғига зарар етказиш хавфини бошқаришга ўтишдир. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бутун мамлакат миқёсида ҳам, корхона даражасида ҳам самарали амалга оширишга фақат тизимли ёндашувдан фойдаланиш, шунингдек, ижтимоий шерикларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш, унинг самарадорлиги назоратини олиб бориш, тузатишлар киритиш ва такомиллаштиришдек доимий жараёнларда тўлиқ иштирок этиши орқали эришиш мумкин.

Ижроия қўмитаси аъзолари хавфли ва зарарли омиллар мавжуд иш жойларида хотин-қизларнинг меҳнат шароитлари билан ҳам қизиқиб, маърузачидан атрофлича жавоб олдилар. Шунингдек, Ижроия қўмитаси аъзоси В. Бондарев Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат гигиенаси борасидаги ижобий амалиётини алоҳида таъкидлади.

Биринчи масала бўйича Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси Ижроия қўмитаси «Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилишда касаба уюшмаларининг роли тўғрисида»ги маърузани маъқуллаб, тақдимот материалларидан касаба уюшмалари фаолиятида фойдаланиш учун КУУнинг барча аъзоларига юбориш ҳақида қарор чиқарди.

Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси Бош котиби ўринбосари Валерий Юрьев, шунингдек, бир қатор аъзо ташкилотлар раҳбарларининг минтақа мамлакатларида фуқаролар пенсия таъминоти масалалари бўйича маърузаларини эшитиб, Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси Ижроия қўмитаси МДҲ мамлакатлари касаба уюшмалари пенсия тизими фаолиятини энг муҳим ижтимоий вазифалардан бири деб ҳисоблаган ҳолда, фуқароларнинг пенсия таъминотини яхшилаш ишларида доимий иштирок этиб келаётганини алоҳида таъкидлади. Аъзо ташкилотлар томонидан пенсия таъминотини яхшилашга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилди. Бироқ, пенсиялар ошишига қарамай, минтақада пенсия таъминоти даражаси пастлигича қолмоқда. Пенсия тизимининг молиявий аҳволи беқарор ва у давлатлар, иш берувчилар ва касаба уюшмалари вакилларининг мувофиқлашган ҳаракатларига боғлиқ. Минтақада пенсия таъминоти соҳасидаги асосий муаммолар кўп жиҳатдан энг кам иш ҳақининг пастлиги билан изоҳланади. Шу боис минтақа касаба уюшмалари томонидан ижтимоий шериклик доирасида мавжуд пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисидаги саволлар кўп бор кўтарилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари бўлими бошлиғи Маҳмуджон Исаевнинг таъкидлашича, мамлакатимизнинг ўзига хос жиҳати шундаки, Ўзбекистонда анъанага кўра, болалар кекса ота-оналарини ташлаб қўймайдилар ва мамлакат Конституциясида белгиланганидек, уларни моддий таъминлашга мажбурдирлар. Бу анъана, умуман олганда, аҳолининг бир қисмининг нисбатан паст пенсияларини қоплайди ва кексалар орасида қашшоқликнинг олдини олади. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси 12 фоизлик ижтимоий солиқ жамғармаларининг бир қисмидан шакллантирилади, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурида фаолият юритади ва Бош вазир ўринбосарига ҳисобот беради. Бир қарашда мамлакатда демографик қўллаб-қувватлаш коэффициенти юқори (13,9), лекин аслида, норасмий бандликнинг юқори даражаси туфайли Пенсия жамғармаси етарли даражада молиялаштирилмаяпти. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатларидаги камомад давлат маблағлари ҳисобидан қопланади. Ҳозирги вақтда Пенсия жамғармасига киритилаётган бюджет маблағлари тахминан 25 фоизни ташкил қилади. Касаба уюшмаларининг стратегик мақсади йўқотилган даромадларни 40 фоизгача тўлдиришга эришишдир.

Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси Ижроия қўмитаси КУУнинг «Минтақа мамлакатларида фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги қўшма ҳисоботини маъқуллаш ва уни МДҲга аъзо давлатларнинг Парламентлараро Ассамблеяси, МДҲ Ижроия қўмитаси, МДҲга аъзо давлатлар ҳукуматлари, Евроосиё иқтисодий комиссияси, Пенсия ва ижтимоий жамғармалар халқаро ассоциацияси, шунингдек, ўз фаолиятида фойдаланиш учун аъзо ташкилотларга юбориш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, аъзо ташкилотлар томонидан пенсия таъминотини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича қилинаётган салмоқли ишларни алоҳида қайд этиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди.

Мустақил давлатлар касаба уюшмалари бирлашмалари ва касаба уюшмаларининг халқаро тармоқ бирлашмаларига Ҳамдўстлик давлатларининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва маъмурий органлари, барча даражадаги ижтимоий шериклар билан ҳамкорликда барқарор, мунтазам равишда иш ҳақи тўловларини тўлаш ва пенсия таъминоти тизимига суғурта бадалларини бутун иш фаолияти давомида тўлаш асосида аҳоли бандлигини таъминлаш орқали пенсия жамғармаларининг нормал фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича изчил ва мақсадли ҳаракат қилишлари тавсия этилди.

Ижроия қўмитаси йиғилиши ишчанлик, конструктив руҳда ўтди.

**Бибигул МУРТАЗАЕВА**

*Эъзоза УМРЗОҚОВА олган суратлар*

## Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси йиғилишидаги табрик сўзи

*(2023 йил 7 ноябрь, Тошкент ш.)*



Ҳурматли Александр Викторович!

Ҳурматли Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси Ижроия қўмитаси аъзолари!

Азиз ҳамкасблар!

Ўзбекистонга хуш келибсиз деймиз!

Аввало, азиз меҳмонларимизни: Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси Ижроия қўмитаси раҳбарияти ва аъзоларини, Озарбайжон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Тожикистон касаба уюшма марказлари раҳбарлари, тармоқ касаба уюшмалари халқаро бирлашмалари раҳбарларини самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Бундан роппа-роса беш йил муқаддам Тошкентда КУУ Ижроия қўмитасининг Ўзбекистон касаба уюшмалари учун тарихий аҳамиятга эга йиғилиши бўлиб ўтган, унда Федерациямиз ушбу халқаро бирлашмага аъзоликка қабул қилинган эди.

Ўтган вақт мобайнида ушбу нуфузли халқаро ташкилотга аъзолигимиз тўғри танлов бўлганига ишонч ҳосил қилдик.

Биз барча саъй-ҳаракатларимизда КУУнинг кўмагини доимо ҳис қилиб турдик, ҳамкасбларимиз билан учрашиш, тажриба алмашиш имконига эга бўлдик. Бошқача айтганда, касаба уюшма биродарлигимиз қадрини тўлиқ ҳис қилдик.

Қадрли ҳамкасблар!

Маълумки, Ўзбекистонда кейинги етти йил давомида давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёев бошчилигида ўз кўлами ва йўналиши жиҳатидан ниҳоятда кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Улар халқаро ҳамжамият томонидан тан олиниб, юксак қадрланмоқда.

Бундан икки ой аввал, сентябрь ойида Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасида тўпланган, Учинчи Уйғониш даври мамлакатида амалга оширилган тажриба асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон – 2030» Комплекс стратегияси кенг жамоатчилик муҳокамаси билан тасдиқланди.

Энг муҳими, ушбу стратегия ҳар бир фуқаронинг салоҳиятини юзага чиқаришга, кучли рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш учун қулай имкониятлар яратиш, шунингдек, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатлашга қаратилган.

Кўпмиллатли халқимиз амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг реал самараларини кундалик ҳаётида кўриб турибди. Шу боис ислоҳотлар йўналишини фаол қўллаб-қувватлаяпти. Буни ўтган Референдум ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари ҳам яққол кўрсатди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ўз олдига юксак вазифалар қўйиб, кўзланган мақсад сари дадил қадам ташламоқда.

Юртимиздасиз. Шу тарихий қисқа давр ичида мамлакатимизда қандай кенг кўламли ўзгаришлар рўй берганига ўзингиз гувоҳ бўлишингиз мумкин.

Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар Ўзбекистон касаба уюшмаларининг меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўз олдига қўйган мақсадлари ва Низомда белгиланган вазифаларини рўёбга чиқариши учун зарур барча шарт-шароитларни яратганини катта мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Касаба уюшмалари нуфузини мустаҳкамлаш, барча давлат органлари, иш берувчилар, жамоат ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қилиш борасидаги изчил чора-тадбирлар ҳозирнинг ўзидаёқ самара бермоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Касаба уюшмалари Умумконфедерациясига аъзо бўлганидан сўнг ўтган вақт ичида амалга оширган ишларимиз билан сизларни қисқача таништиришга ижозат бергайсиз.

**Биринчидан,** 2019 йилда «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонун қабул қилинди. 11 ноябрь мамлакатимиз байрам тақвимига «Ўзбекистон касаба уюшмалари куни» сифатида киритилди.

**Иккинчидан,** мазкур қонун асосида 2020 йилда Касаба уюшмалари меҳнат инспекцияси фаолияти тикланди.

**Учинчидан,** ТРИПАРТИЗМ асосида Вазирлар Маҳкамаси, Иш берувчилар конфедерацияси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида Бош келишув қабул қилиниши тизимли амалга оширилмоқда. Шу билан бирга жорий йилда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Ижтимоий меҳнат масалалари бўйича уч томонлама Республика комиссиясига раислик қилмоқда.

**Тўртинчидан,** 2021 йилда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Федерацияси билан биргаликда Марказий Осиё давлатлари касаба уюшмалари кенгаши ташкил этилди.

2022 йилда Кенгашга янги аъзолар – Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Мўғулистон касаба уюшмалари Конфедерацияси қабул қилинди.

**Бешинчидан,** 2022 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Академияси ташкил этилди. Касаба уюшмалари ходимлари малакасини ошириш институти фаолияти йўлга қўйилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи музейи очилди.

**Олтинчидан,** Федерация мутахассисларининг фаол иштирокида Ўзбекистон Республикасининг янги Меҳнат кодекси қабул қилинди ва жорий йилнинг 30 апрелидан кучга кирди.

**Еттинчидан,** ўтган даврда касаба уюшма маблағлари ҳисобидан энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 12 та янги санаторий барпо этилди. Касаба уюшмалари санаторийларининг умумий сони 31 тага етказилиб, уларда бир вақтнинг ўзида 7 минг киши соғломлаштирилмоқда.

Турли вазирлик ва идоралардан 80 та болалар соғломлаштириш оромгоҳлари касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфига ўтказилди, уларнинг умумий сони 106 тага етди. Келгуси ёз мавсумигача яна 15 та шундай оромгоҳлар қуриш режалаштирилган.

**Саккизинчидан,** 2023 йилнинг сентябрида Самарқанд шаҳрида Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон миллий касаба уюшма марказлари томонидан Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилоти ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу натижаларга Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси кўмаги, МДҲ мамлакатларидаги ҳамкасбларимиз ва бошқа хорижий дўстларимиз билан ҳамкорлик ва тажриба алмашиш туфайли эришилди. Бунинг учун уларнинг барчасидан чексиз миннатдормиз.

Қадрли ҳамкасблар!

Дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар биздан кучларни бирлаштиришни, касаба уюшмалари сафини янада жипслаштиришни талаб қилмоқда.

Мамлакатларимиз касаба уюшмалари фаоллари олдида турган мураккаб ва муҳим вазифаларни якка-ёлғиз ҳал этиш имконсиз эканини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Биз Конфедерациямиз масъулияти доирасидаги дўстлик ва самарали ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича давлатларимиз раҳбарларининг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб, интеграция жараёнларини янада фаол равишда чуқурлаштиришимиз керак.

Бизни бирлаштирган ишончли ва вақт синовидан ўтган тузилма Касаба уюшмалари Умумконфедерациясидир. Унинг фаолиятини замон талаблари асосида асраб-авайлаш ва янада такомиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Икки ҳафта олдин Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси Уставига қўшимча ва ўзгартишлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. У ерда мутахассисларимиз ҳам ўз мулоҳаза ва таклифларини билдиришди.

Конфедерациямиз фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор фундаментал таклифларни бугун сизнинг эътиборингизга ҳавола этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан. Уставнинг 1-моддасида аниқ кўрсатилганки, Касаба уюшмалари Умумконфедерациясининг мақсад ва вазифаларини қўллаб-қувватлайдиган ҳамда Уставини тан оладиган янги касаба уюшма бирлашмаларининг эркин кириши учун очиқдир.

Шу билан бирга, Уставда белгиланган КУУга янги аъзони қабул қилишда худди шу давлатдан КУУнинг бошқа аъзоларининг фикрини инобатга олиш зарурлиги тўғрисидаги қоида бизга кераксиздек туюлмоқда. Бизнингча, бу КУУ Уставининг демократик тамойиллари ва бошқа қоидаларига зиддир.

Шу боис Уставимиздан ушбу қоидани чиқариб ташлашни таклиф қиламиз.

Иккинчидан. Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси Уставининг 5.1-бандига мувофиқ, Конфедерациянинг олий органи КУУ қурултойи ҳисобланади. Уставнинг 5.2-бандига кўра, аъзо ташкилотлардан Қурултойга вакиллик меъёри ҳақ тўланадиган аъзолик мезонидан келиб чиқиб, КУУ Кенгаши томонидан белгиланади.

Бизнинг фикримизча, ушбу норма Уставнинг 2.4-бандида кўрсатилган тенглик тамойилига зиддир.

Овоз бериш жараёнида овозларни янада адолатли тақсимлаш учун биз Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси қурултойи делегатлари сони касаба уюшмалари аъзолари сонига боғлиқ бўлмаслигини ва барча аъзо ташкилотларнинг тенг вакиллик тамойилини белгилашни таклиф қиламиз.

Ишончим комилки, бугунги йиғилиш иштирокчиларининг ушбу ва бошқа фикрлари Конфедерациямизнинг бугунги кун руҳи ва талабларига тўлиқ мос келиши лозим бўлган муваффақиятли фаолиятига янги суръат бағишлайди.

Хулоса қилиб айтганда, сизларни меҳмондўст серқуёш диёримизда яна бир бор қутлаб, барча азиз меҳмонларимизга меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги эзгу ишларида янада улкан муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Эътиборингиз учун раҳмат!



*Фарғона вилояти*

Ташаббус

# Истак бўлса, ИШ ТОПИЛАДИ

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши ташаббуси билан ишлайман, оиламга даромад олиб кираман, деган хотин-қизлар учун иш берувчилар билан учрашув ташкил этилди.**

Юртбошимизнинг Фарғона вилоятини «Хотин-қизлар ўртасида ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш» таклифидан келиб чиқиб ҳудудларда хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратилмоқда.

Навбатдаги иш берувчилар билан мулоқот Олтиариқ туманида фаолият олиб бораётган «Hamza expo art tekstil» МЧЖ пахта-тўқимачилик кластерида бўлиб ўтди.

Ишлаш истаги бор 150 нафарга яқин хотин-қиз корхона фаолияти билан таништирилди. Улар иш жараёни, маош, ишчи-ходимларга яратилган шароитларни кўздан кечирдилар.

«Hamza expo art tekstil» МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери сифатида фаолият юритади. Корхонада бугунги кунда 900 нафарга яқин ишчи-ходим меҳнат қилиб келмоқда. Яна 200 нафар ишчига эҳтиёж бор.

Мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар маҳаллий ички бозорлардан ташқари, бир қатор хорижий давлатларга, жумладан, Россия ва Польшага экспорт қилинмоқда.

Корхона йилига 4 минг тонна калава ип, 2 минг тонна мато ишлаб чиқариш ҳамда 5 миллион дона тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эгадир.

– Кунлик ишларга чиқиб, рўзғор тебратардим, – дейди Одинахон Омонжонова. – Бугунги учрашув орқали корхона фаолияти билан танишдим. Мавжуд шароит менга маъқул келди. Эртадан ишга келадиган бўлдим.

Шу куни 44 нафар опа-сингилларимиз ишлаш истаги борлигини билдиришди. Улар билан шу ернинг ўзидаёқ меҳнат шартномалари тузилди.

**Жамшид ЭРГАШЕВ**
«ISHONCH»

Учрашув

# Муфассал тушунчалар берилди



Касаба уюшмалари куни муносабати билан Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар метрополитени касаба уюшмаси ҳамкорлигида тадбир уюштирилди.

Унда «Тошкентметрополитен» ДУК касаба уюшмаси раиси Бахтиёр Содиқов йиғилганларни байрам билан қутлар экан, касаба уюшмаларининг ишчи-ходимлари ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятига кенг тўхталди. Соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқлари янада мустаҳкамланаётганини таъкидлади.

Тадбирда Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош юрисконсульти Лола Нишонова янги Меҳнат кодексидаги ўзгаришлар, ишчи-ходимлар меҳнат фаолиятидаги енгиллик ва қулайликлар ҳақида сўзлади. Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳусниддин Сайдалиев ўз сўзида соҳада амалга оширилаётган янгиликлар, қўлга киритилаётган ютуқларга тўхталди.

Тадбир асноси мутахассислар метрополитен ишчи-ходимларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб беришди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Бекназаров ўз ижодидан намуналар ижро этиб, йиғилганлар дилини хушнуд этди.

**Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА**
«ISHONCH»

*Сирдарё вилояти*

# Янги бинода байрам

**Тошкент кимё-технология институтининг Янгиер филиали бундан тўрт йил муқаддам 1 та факультет, 2 та кафедра билан иш бошлаганди.**

Ўшанда 203 нафар талаба таҳсил олган даргоҳда бугунги кунга келиб, 3412 йигит-қиз сабоқ олмоқда. Уларга 140 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчи таълим-тарбия беришяпти.

Филиал маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2023-2025 йиллар учун жамоа шартномаси тузилган. Унинг бандлари ижросини таъминлашда филиал раҳбарияти кўрсатаётган амалий ёрдам қўл келмоқда. Маънавий-маърифий тадбирлар, ишчи-ходимлар соғлиғини сақлаш, хавфсизлик, меҳнат муҳофаза каби йўналишларда соҳа вакиллари томонидан ишларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу ўқув даргоҳида турли байрамлар кўтаринки руҳда нишонланади. Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан ташкил этилган тадбирда Федерациянинг Сирдарё вилояти кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов ва Транспорт, йўл, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Абдуллажон Эгамназаров филиалнинг янги таъмирланган спорт иншооти очилишида иштирок этишди.

Шу куни спортнинг кўпгина турлари бўйича ўзаро беллашувлар бўлиб ўтди. Профессор-ўқитувчилар, талабалар, ишчи-ходимлар ўртасида ташкил этилган спорт мусобақалари ғолиблари касаба уюшмаси томонидан диплом ва совғалар билан тақдирланишди.

**Сунатилла СОДИҚОВ**

Бошланғич ташкилотларда

**Мамлакатимизда барча соҳалар қатори касаба уюшмалари тизимида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, таълим муассасаларида бошланғич касаба уюшма қўмиталари педагог-ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг иш самарадорлигини ошириш, энг муҳими, таълим сифатининг юксалиши йўлида ғамхўр сифатида намоён бўлмоқда.**

# Меҳр тимсоли

Мактабимизда 100 нафардан зиёд ўқитувчи 1000 нафардан ортиқ ўғил-қизларга сифатли таълим-тарбия бериб келишади. Энг муҳими, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан яқиндан рағбатлантириш, саломатликларини ўз вақтида тиклаш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилган. Қолаверса, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ўқувчиларга ҳам алоҳида меҳр ва эътибор кўрсатилмоқда.

Мактаб маъмурияти билан ҳамкорликда йил давомида узлуксиз хайрия тадбирлари, учрашувлар ҳамда байрам шодиёналари ўтказяпмиз. Уларда ўқувчилар ўртасида турли кўрик-танловлар ҳам ташкил этиладики, бундан кўзланган асосий мақсад эса имконияти чекланган ўғил-қизларимизнинг кўнглини кўтариш, уларни янгидан-янги марраларга рағбатлантиришдан иборатдир. Бундан ташқари, ходимларнинг саломатлигини тиклаш учун сиҳатгоҳ ва дам олиш масканларига, уларнинг фарзандларига ёзги оромгоҳларга йўлланмалар бериш билан бир қаторда юбилей ёшини нишонлаётган ўқитувчи ва мураббийлар, мактаб жамоасининг аъзолари эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Булар мамлакатимизда меҳнат аҳли ҳақ-ҳуқуқлари муносиб кафолатлангани, қолаверса, ёш авлодни ҳар томонлама кучли, соғлом ва билимли қилиб тарбиялаш учун барча имкониятлар яратилганидан далолат беради.

**Гулчеҳра МЎЙДИНОВА,**
Юнусобод туманидаги 58-мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси

*Бухоро вилояти*

Касаба уюшмаси фаоллари

# «БОР ТАШВИШИНГИЗ ШУМИ?»

**– Лилия Камилевна!**
**Орқа томондан эшитилган ташвишли овоздан касабақўм ортига ўгирилиб қаради. Мактаб техник ходими Мустафо Назаров унинг дарсдан чиқишини кутиб турган экан. У касабақўмнинг ёнига келиб муаммосини айтди: кекса онаси буйрак хасталигига чалинган, узоқ даволанганига қарамай, саломатлиги жуда секин тикланаётган экан. «Сетораи Моҳи Хоса» санаторийсида буйрак хасталиклари бўйича малакали шифокорлар борлигини эшитгани учун онасини ўша ерда даволатмоқчи экани ва унга йўлланма зарурлигини билдирди.**

– Бор ташвишингиз шуми? – деди Лилия Хожибекова ҳар доимгидек ним табассум билан жавоб қайтараркан. – Ҳозир мен сизга зарур ҳужжатлар рўйхатини ёзиб бераман, шуларни тайёрланг, раҳбарият билан гаплашамиз, йўлланмани бир пасда «есть» қиламиз!

Бир неча кундан кейин олдидан Наташа Абрамова чиқди:

– Лилия, – дея дўстона мурожаат қилди унга. – Анчадан бери даволанишимга маблағ керак бўляпти, қон босими мени қанчалик қийнаб юборганидан хабаринг бор-ку. Саломатлигимни тиклаш учун моддий ёрдам олмоқчи эдим, шунга нима дейсан?

Касаба уюшма етакчиси ҳазил-ҳузил билан жамоадошини обдон кулдиргач, ўша одатий жавобини қайтаради.

– Бор ташвишинг шуми?! Мен директорга бу ҳақида билдираман. Албатта, розилигини оламиз. «Дай бог», бир пасда «есть» қиламиз!

Лилия Хожибекованинг ўзбекча-русча аралаш чиройли талаффузи, ҳар қандай қайғули дамларда ҳам киши кайфиятини кўтарар даражадаги сеҳрли жилмайиши, оғир вазиятларда ходимларга далда бера олиши уни 14 йилдан бери бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси сифатида фаолият юритишига сабаб бўляпти.

Онаси Алфия Сабитова 20 йилдан зиёдроқ собиқ Бухоро ип-йигирув фабрикасида касаба уюшма етакчиси бўлиб ишлаган. Қизининг ушбу вазифага сайланганини эшитгач, унга ходимлар билан ҳамнафас бўлишни, муаммоларига кўмаклашиш, ҳеч бўлмаганда бир оғиз яхши сўзу табассумини аямасликни уқтириб келади. У онасининг ана шу тавсияларига ҳамиша амал қилади.

Ота-боболари узоқ Қозондан Ўзбекистонга кўчиб келган бу аёл татар миллатига мансуб. У Бухоро заминида туғилиб камолга етди. Собиқ Мухтор Ашрафий номидаги мусиқа техникумини 1993 йил тамомлагач, мусиқа ва санъат мактабларининг бирида фаолият бошлади. Шу йили турмуш қурди. Бирин-кетин икки фарзандли бўлди.



У 2009 йилдан бери Бухоро шаҳридаги 5-Болалар ва ўсмирлар мусиқа ва санъат мактабининг ўқитувчиси, шу билан бирга, муассасанинг бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси ҳамдир. Таълим муассасасида жамоа шартномаси бандлари ижроси иш берувчи билан биргаликда таъминланмоқда. Лилия опа ходимларнинг ижтимоий ҳимояси билан бирга, уларнинг маданий-оммавий ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш, пенсия ёшидагиларга пенсияга чиқишидан олдин бир йўла моддий ёрдам кўрсатиш ва совғалар билан тақдирлаш, кам таъминланган ёш оилалар вакилларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширишда бош-қош бўлиб келмоқда.

Айтганча, у касбий фаолиятида ҳам бир қатор муваффақиятларга эришган. Шулардан бири 2020 йил хор-дирижёрлик йўналишида «Йил ўқитувчиси» мукофоти соҳибаси бўлганидир. Шу йўналишда кўплаб мамлакатларда танлов ва концерт дастурларида жамоаси билан биргаликда Ўзбекистон номидан иштирок этиб қайтди.

# ҚОЛДИ ФАЛОНДИН ЯХШИЛИҒ...

**2020 йил 28 апрель. Газли нефть-газ қазиб чиқариш бошқармасининг касаба уюшма қўмитаси ҳисобот-сайлов конференцияси бошланиш арафасида. Зал юзлаб аъзолар, «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳамда вилоят кенгаши мутахассислари билан тўлган. Беш нафар ходимнинг номзоди касаба уюшма раиси сифатида сайланиш учун киритилган.**



Йиғилиш бошланди. Номзодлар эълон қилинди. Марина Кадирбаева номи айтилиши ҳамоноқ делегатлару ишчи-ходимларнинг ҳаммаси «гуррр» этиб қўл кўтарди. Кадирбаева тўртинчи марта ҳам касаба уюшма қўмитаси раиси этиб сайланди.

Йиғилишда иштирок этаётган «Ўзбекнефтгаз» АЖ Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси ўринбосари Жумақул Қурбонов уни табриклаб, ишига муваффақият тилар экан «Сиз ходимларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айланган экансиз, буни мана шу сайлов исботлади» дея эътироф этди.

Ҳа, Марина опа бу ерда ўтирганлар ҳар бирининг тақдири учун энг яқин инсонидек қайғуриб, жон куйдирадиган раислардан. Уларнинг қай биридир ноҳақ ишдан ҳайдалиб кетишига қарши қалқон бўлган бўлса, бошқасининг оиласидаги моддий қийинчиликларни бартараф этишга кўмаклашган, ёки оғир кунларида елкадоши, дардига малҳами бўлган. Яна кимнингдир тўй-маъракасида, таъзиясида бош-қош бўлиб, қийинчиликларни енгишга бажонидил кўмаклашган. Бировига опа, бировига сингил, бировига фарзандидек ғамхўрлик қилган. Бугун баробар кўтарилган тўрт юз қўл ана шу яхшиликлари, ғамхўрликлари ва савобли ишларига жавоб эди.

Керак пайтда ташкилот раҳбарининг кўзига бало-қазодек кўриниб бўлса ҳам ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилди. Шу сабабли баъзи раҳбарлар уни ортиқча вазифалар билан сиқиштирган, баъзан мукофот пулларидан маҳрум қилган ҳолатларга ҳам дуч келди. Аммо ҳақиқат йўлидан оғишмай олға қадам ташлади. Аъзолар олдида юзи ёруғ.

Асли қозоқ миллатига мансуб Марина Кадирбаева Бухоро вилоятининг Газли шаҳарчасида туғилиб вояга етди. Отаси «Газлитрансгазқазибчиқариш» ишлаб чиқариш бошқармасининг оддий ишчиси, бурғуловчисидан тортиб, цех бошлиғи, бош геолог, бош муҳандис лавозимларигача бўлган меҳнат йўлини босиб ўтган. Онаси Назифа Кадирбаева ҳам бир умр шу корхонада ишлаган. Марина опа шаҳарчадаги собиқ Абай номидаги қозоқ мактабини битиргач, Самарқанд Давлат меъморчилик қурилиш институтини (СамГАСИ) муҳандис қурувчи йўналишида тамомлади.

1994 йил ота-онаси изидан бориб, шу ердаги «Сув ва буғ таъминоти» цехида оператор сифатида иш фаолиятини бошлади. Тез орада «Газлитрансгазқазибчиқариш» ишлаб-чиқариш бошқармасининг меҳнат муҳофазаси бўлимига ўтказилиб, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўлими муҳандиси, бош мутахассис, бўлим бошлиғи лавозимларида 2006 йилга қадар самарали меҳнат қилди.

– Бу давр мен учун ниҳоятда синовли йиллар бўлди, – дейди М.Кадирбаева. – Бу дегани, ташкилотда ишлаган икки мингдан ортиқ ходимнинг хавфсизлигини назорат қилиш сизнинг зиммангизда, демакдир. Нефть-газ қазиб чиқариш ишининг нақадар хавфли эканини ўзингиз яхши тушунасиз. Ток уриши, ёнғин чиқиши, носозлик ва авария сингари ўнлаб хавфли вазиятлар мени кеча-ю кундуз хатарда ишлаётган ходимлар ҳаётидан хавотир олишимга сабаб бўларди. Шундан бўлса керак ҳалигача телефон қўнғироғидан бир қалқиб кетаман.

Марина опага ҳалокатлар ҳақидаги хабарнинг энг аянчлиси 2003 йилда етказилди. Ўша кунги телефон қўнғироғи иш жойидаги бахтсиз ҳодисаларнинг бири унинг турмуш ўртоғи – Сакен Ходжамуратовни бу ҳаётдан олиб кетганини хабар берди. Ундан қолган ёлғиз ёдгори (ўша пайтда тўрт ёшда эди) Баглан Мареков бугун Газли нефть қазиб чиқариш бошқармасининг конденсат паркида оператор сифатида фаолият юритмоқда.

2006 йили «Газлитрансгазқазибчиқариш» корхонаси иккига бўлинди. Ишчи-ходимлар йиғилишида Марина Кадирбаева «Газлинефтгазқазибчиқариш» МЧЖнинг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўлим бошлиғи лавозимидан озод этилиб – янги барпо бўлган жамиятнинг касаба уюшма қўмитаси раиси этиб сайланди. Ушбу лавозимга ҳамиша ходимлар манфаатлари йўлида куйиб-пишиб юрадиган бу аёлдан бошқа лойиқроғи ташкилотда топилмас эди. 2010, 2015, 2020 йилларда унга қайта-қайта касаба уюшмаси раиси бўлиб сайланиш насиб этди.

У айни чоғда «Ўзбекнефтгаз» АЖ Бирлашган касаба уюшма қўмитасининг ҳимоя масалалари бўйича етакчи мутахассиси бўлиш билан бир қаторда, Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмалари Республика кенгашининг Бухоро вилояидаги масъул ташкилотчиси ҳамдир. Бу дегани, у вилоятда фаолият юритаётган тизим ишчи-ходимларининг меҳнатга доир ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Яъни кўлам, қамров янада кенгайди. Изланиш ва ҳаракат ҳам ортиб бораверади.

**Дилдора ИБРОҲИМОВА**
«ISHONCH»

*Хоразм вилояти*

Суҳбат

# МУАЛЛИМЛАР МАВҚЕИ КЎТАРИЛСА, МИЛЛАТ ЮКСАЛАДИ



***Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Муяссар РАҲИМОВА** билан суҳбатимиз замонавий ўқитувчиларнинг мақоми, касаба уюшмалари уларни қандай қўллаб-қувватлаётгани ва бу борада яна қандай чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги ҳақида бўлди.*

**– Муяссар опа, жамиятда ўқитувчи мавқеини мустаҳкамлаш масаласи анча йиллардан бери муҳокама қилиб келинади. Ўтган давр мобайнида айни йўналишда сезиларли ишлар қилинди ҳам. Хўш, устозларнинг эларо мартабасини юксалтиришда касаба уюшмаларининг ўрни қандай бўлмоқда?**

– Ўқитувчи мақоми – улуғ тушунча. Бошқаларга битта ҳарф ўргатиш ҳам кишидан катта маҳорат ва пухта билимдан ташқари, буюк қалб соҳиби бўлишни талаб қилади. Болалигимизда биз учун ўқитувчилар идеал саналган. Биз уларни ҳамма нарсани биладиган, мўъжизакор ва ҳалол инсонлар сифатида ҳурмат қилганмиз. Ҳатто ота-онаси айтганини бажармайдиган айрим синфдошларимиз ҳам муаллимлар гапини ҳеч қачон икки қилмасди.

Афсуски, XX аср охирларига келиб, ўқитувчининг мавқеи пастлай бошлади. Чунки бозор иқтисоди шароитида илм қадрсизланиб, ўқишга, билим олишга иштиёқ сусайди. Ҳатто институтда ўқиганидан пушаймон бўлганларни ҳам кўрдик. Буларнинг барчаси педагогларга ўгай кўз билан қарашларни шакллантирди. Баъзи ота-оналар боласи пухта билим олса, гўёки ҳаёти издан чиқиб кетадигандек, унга «Яхши ўқи, олим бўл, одам бўл!» деб танбеҳ берадиган муаллимларни унчалик ёқтирмай қўйишди. Ўтиш давридаги бундай тушунчалар узоқ вақт сақланиб қолди.

Хайриятки, эндиликда кўпчилигимиз албатта ўқиш кераклигини, билимсизлик билан узоққа бориб бўлмаслигини теран англаб етаяпмиз. Олдин йўл қўйган хатоларимиз жабрини тортиш билан бир қаторда, ўқитувчининг мавқени кўтариш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳақида қайғуряпмиз. Масалан, 2016 йили таълим тизимида ишлайдиган устозларнинг ўртача маоши 1 миллион 58 минг сўм эди. Жорий йилда бу кўрсаткич 3 миллион 100 минг сўмга тўғри келмоқда. Ёки айтайлик, бундан етти йил бурун Хоразм вилоятида 7772 нафар муаллим устама ҳақ олган бўлса, эндиликда уларнинг сони 9500 нафарга етди.

Истиқлол йилларида 120 нафар ўқитувчи давлат орден ва медалларига, 470 нафардан ортиғи тармоқ кўкрак нишонларига сазовор бўлди. Ҳозир уларнинг сафида 1 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 7 нафар халқ депутатлари вилоят кенгаши, 49 нафар шаҳар, туман кенгаши депутатлари борлиги соҳа ходимларининг жамиятдаги обрў-эътибори ошиб бораётганини англатади. Шунингдек, умумтаълим мактабларида ишлаётган педагог ходимларнинг 1244 нафари ойига 8-10 миллион, 154 нафари 10-12 миллион сўмгача маош олмоқда. Бундай натижаларга эришишда касаба уюшмалари бераётган таклиф ва тавсиялар ҳам ўзига хос аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиш жоиз.

Дарвоқе, касаба уюшмалари жамоа шартномалари орқали аъзолар манфаатларини ифодалаб келмоқда. Ушбу ҳужжат ҳамда «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» дастурига киритилган тадбирлар асосида диққатга сазовор талай ишларга қўл урилди. Чунончи, 2023 йилнинг тўққиз ойи давомида 130 нафар ходим пенсияга чиқиши олдидан моддий ёрдам олди ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Айни мақсадлар учун ижтимоий шерикликда 150 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Юбилей саналари муносабати билан 125 нафар ходимга жами қиймати 46 миллион сўмликдан зиёд қимматбаҳо совғалар топширилди. 306 нафар ишламайдиган пенсионерга 63 миллион сўмдан ортиқ, 52 нафар ногиронлиги бор ва ўзгалар парваришига муҳтож аъзоларга байрамлар арафасида 18 миллион сўмлик, 520 нафар кам таъминланган оилалар вакилларига касаба уюшмалари ҳисобидан 142 миллион, иш берувчилар томонидан 78 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Икки ёшдан уч ёшгача бўлган боласи парвариши билан машғул 74 нафар ёш онага 25 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам, 927 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига ўқув қуроллари ва дарсликлар харид қилиш учун касаба уюшмалари томонидан салкам 160 миллион сўм ажратилди. Соҳада ишлаётган болали аёллардан 89 нафарига ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақтини ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгилаш жорий этилиб, 21 миллион 616 минг сўм сарфланди. Кам таъминланган ёш оилаларнинг 520 нафар аъзосига 220 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим 16 нафар талабанинг шартнома пулларининг бир қисми тўлаб берилди.

**– Инсон моддий кўмак билан бирга маънавий-руҳий қўллаб-қувватловга ҳам эҳтиёж сезади. Ўқитувчи ва мураббийларни соғломлаштириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

– Албатта, касаба уюшмалари аъзоларни фақатгина ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан кифояланмайди. Биз ташкиллаштираётган маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари соҳа ходимларининг ўз касбига бўлган иштиёқини оширишга хизмат қилади. Айниқса, ўлкамиз бўйлаб уюштириладиган саёҳатлар устоз ва мураббийларда катта таассурот қолдиради. Шуни назарда тутиб, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 4000 дан зиёд устоз ва мураббийлар юртимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳат ва зиёратларга, 600 нафари вилоят мусиқали драма театрида саҳналаштирилган «Абу Райҳон Беруний» спектаклини томоша қилишга таклиф этилди.

Бундан ташқари, тармоқ тасарруфидаги 968 та ташкилотда 61128 нафар ходим иштирокида юриш марафони ўтказилди. 3400 дан зиёд ёшлар ўзларига мўлжалланган спорт мусобақаларида, 260 нафардан зиёд ўқитувчилар касаба уюшмалари кубоги учун «Соғлом танда – сифатли таълим» шиори остида йўлга қўйилган 3 босқичли мусобақаларда қатнашди. 136 нафар педагог ходим Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги «Хонқа» санаторийсида соғлиғини бепул мустаҳкамлади. 34 нафар касаба уюшма аъзосининг ота-оналари, ишлайдиган пенсионерлардан 56 нафари соғломлаштирилди. Уларнинг бир нафарига бепул йўлланма берилди. Соҳа ходимларининг 2000 дан ортиқ фарзандлари вилоятимиз ҳудудидаги оромгоҳларда дам олдирилди. Айни мақсадлар учун касаба уюшма маблағлари ҳисобидан қарийб 306 миллион сўм сарфланди.

Бошланғич ташкилотлар томонидан ўтказилаётган маънавият соатларида уюшма аъзолари фаол қатнашмоқдалар. Барча муассасаларимизда ходимлар учун дам олиш хоналари ташкил қилинди. Эндиликда маънавият хоналарини янги адабиётлар билан бойитиш чоралари кўрилмоқда. Қолаверса, уюшмалар томонидан иш берувчилар ҳамкорлигида ўқитувчилар ўртасида ҳар хил танловлар уюштирилиб, ғолиблар рағбатлантирилмоқда.

**– Шубҳасиз, бу ишлар эътирофга лойиқ. Лекин соҳа ходимларини қийнаётган муаммолар ҳам кўп. Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, айни кезларда тизим ходимларидан касаба уюшмаларига асосан қандай масалалар бўйича мурожаатлар келиб тушмоқда ва улар қандай ҳал этилмоқда?**

– Соҳа вакиллари касаба уюшмасини ўзларининг энг яқин кўмакчиси ва маслаҳатгўйи деб билаётганидан мамнунмиз. Тизимда меҳнат қилаётганлар ўзларини қийнаётган ёки ташвишлантираётган муаммоларни, хоҳ иш билан боғлиқ, хоҳ шахсий аҳамиятга эга бўлсин, биринчи галда касаба уюшмаси ёрдамида ҳал қилишга интиладилар. Уларнинг бирорта ҳам мурожаати эътиборимиздан четда қолаётгани йўқ. Мана, сўзимни исботловчи далиллар: жорий йилнинг ўтган ойларида тармоқ касаба уюшмасининг шаҳар ва туман кенгашларига 465 та ёзма, 135 та оғзаки мурожаат келиб тушган. Шулардан 22 таси меҳнат муносабатларига, 54 таси иш ҳақи, мукофот тўловлари, иш ва дам олиш вақти, жамоа шартномасининг бошқа бандлари бўйича, 23 таси бу ҳужжат бекор қилинишига, интизомий жазо қўлланишига, 468 таси моддий ёрдам ва санаторийларга йўлланмалар сўрашга таaллуқли эканлиги аниқланди. Барчаси тегишли тартибда ўрганилиб, 535 таси қаноатлантирилди, 65 таси бўйича тушунтиришлар берилди.

Бугунги кунда тўлиқ ечимини топмаган муаммолардан бири тиббий кўрик масаласидир. «Ishonch» газетаси орқали бу борада бир неча бор чиқишлар қилингани натижасида муаммо қисман ечим топди. Аммо молия идоралари тиббий кўрик учун пул ажратиш масаласига ҳамон совуққонлик билан қарамоқда.

Сирасини айтганда, ўқитувчилар мавқеини мустаҳкамлаш, ҳурматини жойига қўйиш ва уларга кўмакдош бўлиш борасида қилишимиз лозим бўлган ишлар ҳали кўп. Биз уларни янгиланган Конституциямиз ва Меҳнат кодексига таянган ҳолда, албатта, амалга оширамиз. Қолаверса, «Педагог ходимнинг мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қайта муҳокамага қўйилгани ҳам айни муддао бўлди. Иш берувчи ва касаба уюшмаларининг ижтимоий шериклиги бундан кейин ҳам соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

«ISHONCH» мухбири
**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА**
суҳбатлашди

Уч авлод учрашуви



*Бухоро вилояти*

# БАРДАВОМ АНЪАНА

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгашида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан «Янги Ўзбекистон – янги касаба уюшмалари» шиори остида уч авлод учрашуви ўтказилди.**

Унда вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси тизимида узоқ йиллар фидокорона меҳнат килиб, бугун кексалик гаштини сураётган фахрийлар давранинг азиз меҳмонлари бўлишди.

Тадбирни Федерациянинг Бухоро вилояти кенгаши раиси Муҳаммадқосим Олимов очиб, барчани касб байрами билан табриклади. Юртимизни кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айлантиришда давлат ва жамоат ташкилотлари билан бир қаторда, касаба уюшмалари роли ортиб бораётгани, кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этаётганини эътироф этди. Бугун эришилаётган муваффақиятлар замирида кекса авлод вакилларининг ҳиссаси борлигини таъкидлаб, уларга миннатдорлик билдирди.

Чиндан ҳам касаба уюшмаси аъзолари эътирофи ва эътиборига сазовор бўлган меҳнат фахрийлари ҳар қанча эъзозу ҳурматга муносиб. Шу куни учрашувга касаба уюшмаларининг бир неча авлод вакиллари ташриф буюргани даврага ўзгача файз киритди. Масалан, Ҳамид ота Шукуров 93 ёшда. Отахон 1970-1985 йилларда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шофиркон туман қўмитаси раиси сифатида фаолият юритган. У кишининг шогирди Ширин ота Олимов эса 78 ёшда. У худди шу ташкилотга 1986-2000 йилларда раҳбарлик қилган. Ғанишер Неъматов 2009-2020 йиллар давомида ушбу лавозимда устозлари ишини давом эттирган. Қувонарлиси, бир пайтлар босқичма-босқич бир лавозимда ишлаган устоз-шогирдлар бугун бир сафда, бир даврада жамулжам бўлиб, ёшларга ўз ҳаётий ва касбий тажрибаларини сўзлаб бердилар.

– Биласизми, мени энг қувонтирган нарса нима, – деди Ҳамид ота Шукуров. – Ўзим камолга етказган шогирдларим билан бугун бир даврада ўтирганимдир. Қаранг, шогирдларим ҳам ўз фаолиятини муваффақиятли якунлаб, қарилик гаштини суришмоқда. Бу кунларни кўриш ҳам бир бахт, аслида.

Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Райҳон Носирова тадбирда вилоят касаба уюшмаси ташкилотларида бугунги кунда амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтди. Хусусан, кекса авлод вакилларига ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, уларнинг дам олиши, саломатлигини тиклаши, моддий рағбатлантирилиши масалалари эътибордан четда қолмаётганини таъкидлади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жамоа шартномалари асосида 117 нафар пенсия ёшидаги ходим ҳамда 175 нафар юбиляр қимматбаҳо совғалар билан тақдирланган. 108 нафар кексалик гаштини сураётган пенсионер ҳамда 151 нафар якка-ёлғиз кексаларга моддий ёрдам пуллари ажратилган. Шунингдек, нафақадаги устозлар учун «Етти пир», Самарқанд ва Тошкент шаҳарларига зиёрат ва саёҳатлар ташкил этилган. Бугунги уч авлод учрашуви ҳам ана шундай бардавом анъаналарнинг навбатдагиси бўлди.

Касаба уюшмалари куни муносабати билан меҳнат фахрийлари Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ташаккурнома ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

**Дилдора АМРУЛЛОЕВА**

*Қашқадарё вилояти*

# ҲАР ЖАБҲАДА ЕЛКАДОШМИЗ



**Корхонамизда ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлигини оширишга катта эътибор берилади. Чунки ходимларга қулай меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш, уларни меҳнатига яраша муносиб тарзда рағбатлантириб бориш кўзланган марраларга эришишда муҳим омилдир. Бунда корхона касаба уюшма қўмитаси билан ижтимоий шерикликда фаолият олиб борамиз.**

Жумладан, йил бошида иш бошлаган «UNG интеллектуал ёшлар маркази» корхона ишчи-ходимлари учун бебаҳо жавоҳир бўлди. Мажмуада касаба уюшмаси билан биргаликда ёшларнинг тарихни чуқурроқ ўрганишига кўмаклашиш мақсадида «Муборак газни қайта ишлаш заводи» музейи ҳам ташкил этилди.

«Наврўз» умумхалқ байрамида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинди. Ишчи-ходимларнинг 21 нафар фарзандининг суннат тўйи ўтказилди.

Йил давомида «Ўзбекнефтгаз» АЖ Бирлашган касаба уюшма қўмитаси, «Муборак газни қайта ишлаш заводи» маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида корхонанинг цех ва бўлимларида ишлаб чиқариш ҳамда жамоат ишларида илғор қатнашган 150 нафарга яқин ходимнинг Хива шаҳрига саёҳати уюштирилди.

Тошкент шаҳридаги «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуасида «Яшил иқтисодиёт, энергияни тежаш, қайта тикланадиган энергия манбалари» мавзусида «Ўзбекнефтгаз» АЖ ишчи-ходимлари фарзандлари ўртасидаги расмлар танловида ишчи-ходимларимизнинг 10 нафар фарзанди фаол иштирок этди.

Ёзги мавсумда Яккабоғ туманидаги «Темур авлодлари» болалар дам олиш оромгоҳида 1400 нафарга яқин ходимларнинг фарзандлари соғломлаштирилди. Шу билан бир қаторда, ноқулай меҳнат шароитида фаолият юритаётган корхона ишчи-ходимларининг мазкур сўлим оромгоҳда соғлиғини тиклаш ва тоғ иқлим шароитида, тоза ҳавода мазмунли дам олишлари ташкиллаштирилди.

Ишлаб чиқариш цехларининг шарт-шароитларини ҳамда санитария ва гигиена ҳолатини яхшилаш бўйича касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда бир қатор самарали ишлар олиб борилди. Цех ва участкалардаги ошхоналар, кийиниш, ювиниш хоналари таъмирланиб, зарурий жиҳозлар билан таъминланди. Бу борадаги ишлар доимий назоратга олинган.

Заводда меҳнат қилаётган ходимларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш ва касб касаллигига чалинишининг олдини олиш мақсадида «Ўзбекнефтгаз» АЖ таркибидаги «UNG Medline» клиникасида ишчи-ходимларнинг имтиёзли даволанишлари йўлга қўйилган.

Иш берувчи минбари

Завод ҳудудида тескари «Осмос» технологияси асосида ишлайдиган сув фильтрлаш қурилмаси ишга туширилиб, ишчи-ходимлар узлуксиз равишда тоза ичимлик суви билан таъминлаб келинмоқда. Ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзолари касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан олинган йўлланмалар орқали санаторийларда соғломлаштирилмоқда. Амалдаги талабларга тўлиқ жавоб берадиган замонавий ишчилар ошхонаси қуриб, фойдаланишга топширилди.

Касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда меҳнат жамоасининг ҳар бир аъзоси эҳтиёжидан хабардор бўлиб, улар манфаатини, ҳимоясини етарли даражада таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақиллик байрами муносабати билан 50 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиниб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Соҳада 20 йил ва ундан ортиқ ишлаб, имтиёзли шартлар асосида пенсияга чиққан ҳамда ногиронлиги бўлган 534 нафар пенсионерга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. 28 нафар ишчи-ходим фарзандига мактаб формаси ва ўқув қуроллари сотиб олиши учун кўмаклашилди.

Умуман олганда, ҳар бир жараёнда, у меҳнат муҳофазаси бўладими, ижтимоий ҳимоями ёхуд ёшлар, хотин-қизлар масалаларими, барча-барчасида касаба уюшма қўмитаси билан ҳамфикр ва елкадошмиз.

**Шермат ШАМСИЕВ,**
«Муборак газни қайта ишлаш заводи» директори

«Ishonch»га мактублар

# Газета – газетхон – газета



**Кимдир эришган ютуғидан севиниб, ўзгалар билан баҳам кўргиси келади. Кимдир жамиятни қийнаб келаётган муаммога ечим излаб, қўлига қалам олади. Ёзганларини тезроқ матбуотда эълон қилиб, эл билан баҳам кўришни истайди.**
**Азиз газетхон! Сизни-да шундай ҳолат илҳомлантирса, ҳеч иккиланмай, бизга йўлланг. Эркин минбарингиз бўлган нашримизнинг «Газета – газетхон – газета» саҳифасида, албатта, чоп этамиз. Зеро, қоғозга тўкилган битикларингиз кимгадир сабоқ, ким учундир ёруғ йўл вазифасини ўтаса, не ажаб!**

*Дил сўзи*

## Ҳаётимдаги ёрқин лаҳза



*«Ishonch» газетаси муштарийсиман. Дил сўзларим газета саҳифаларидан ўрин олса ниҳоятда бахтиёр бўлар эдим.*

*40 йилдан буён Фарғона шаҳридаги «Евроосиё тапо-диск» қўшма корхонасида чилангар бўлиб ишлайман. Корхонамизда енгил автомобиллар учун диск ишлаб чиқарилади. Ҳозир ёшим 60 да.*

*Фаолиятим давомида касаба уюшмаларининг кўп бора кўмагига суяндим. Яхши кунимизда ҳам, бошимизга ташвишли кун тушганда ҳам доим суянчиқ бўлди. Касаба уюшма сабаб юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатларга бориб келдик. Қийналган пайтимиз моддий кўмак олиб, мушкулимиз осонлашди.*

*Инсон меҳнати натижасини кўрса, ўзини бахтли сезар экан. Яқинда узоқ йиллик меҳнатларим инобатга олиниб, касаба уюшма қўмитаси томонидан берилган бепул йўлланма билан сўлим «Косонсой» сиҳатгоҳида соғлиғимни тикладим.*

*Ишонасизми, қадрланганимдан, меҳнатим эътироф этилганидан кўзимга севинч ёши келди. Бу эътибор ҳаётимдаги ёрқин лаҳзалардан бири бўлиб қолди...*

**Муҳаммадбоқи ШАРОБИДДИНОВ**

*Фарғона шаҳри*

*Интилганга толе ёр*




## Тракторчининг ЧЕМПИОН ҚИЗИ

*Ҳар бир болада бир даҳо яширин. Ҳаётда кузатганларим бу ҳикматнинг қанчалик ҳақиқат эканини исботламоқда. Аслида ҳам барчада қандайдир иқтидор қирраси бор, гап уни кашф қилиш ва ривожлантиришда холос.*

*Осиёнинг моҳир спортчиларидан бирига айланган Шукуржон Аминова Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани «Иттифоқ» маҳалласидаги оддий оилада туғилиб, вояга етган. Отаси механизатор, онаси новвой. Ҳар иккаласи ҳам қишлоқ аҳлининг хизматида бўлиб, дуоларини олгани сабабми, фарзандлари орзу қилганларидан-да зиёда бўлиб камолга етишди. Хонадонда ҳар доим барака ҳукмронлик қилади.*

*Шукуржон оиланинг тўнғичи. Барча қишлоқ қизлари қатори онасига қарашиб, уй-рўзғор юмушлари, даладаги ишлар, укалари тарбияси билан шуғулланиш каби вазифалар унинг ҳам зиммасида бор эди. Болалигидан спортга қизиқишини кўрган отаси «Бу қиз болага нимага керак, қўни-қўшни нима дейди», деб ўтирмасдан уни спорт мактабига етаклади.*

*Шу-шу у тумандаги 28-умумтаълим мактабида таҳсил олиш баробарида Қўшкўпир туман спорт мактабининг кураш тўгарагидаги машғулотларга қатнай бошлади. Мураббийлар Темур Жуманазаров ва Озод Жуманов қиздаги иқтидорни дарров илғашди. Унга кураш сирларини эринмай ўргатишди. Мактаб ва туман мусобақаларида яхши натижаларни қўлга кирита бошлагач, унга ўқишини Урганч шаҳрида жойлашган Олимпия захиралари коллежининг дзюдо бўлимида давом эттиришни тавсия қилишди. Коллеждаги таҳсил давомида Оллошукур Собировдан дзюдо спорт турини пухта ўрганган Шукуржон Аминова қисқа фурсатда вилоят терма жамоаси таркибига қабул қилинди. Республика мусобақаларида яхши натижаларга эришиб, Ўзбекистон терма жамоасига жалб этилди. Осиё ва Жаҳон чемпионатларида ҳам яхши натижаларга эриша бошлади. Коллеждан кейин таҳсилни Урганч давлат университетининг жисмоний тарбия йўналишида давом эттирди. Эндиликда у ўз касбининг моҳир эгаси.*

*Октябрь ойида Шукуржон Аминова Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида ўтказилган XIX ёзги Осиё ўйинларида дзюдодан 57 кг. вазн бўйича муваффақиятли қатнашиб, фахрли 2-ўринни эгаллади.*

**Ҳурматли таҳририят.** Шукуржон ҳақида ёзганларимни қаерга юборишни ўйлаб, охири қадрдон газетамни танладим. Чунки «Ishonch» халқимизнинг ишончига кирган, севиб ўқиладиган нашр. Ушбу мақолани қанча кўп ёшларимиз ўқиса, шунча яхши бўлар эди. Сабаби, вақтини беҳуда ўтказаётган, ижтимоий тармоқларда ғийбатдан ортмаётган ёшларимиз Шукуржондан ибрат олишсин дейман-да! Зеро, интилганга толе ёр.

**Турсуной САТТОРОВА**

*Қўшкўпир тумани*

*Маърифат*

## «ISHONCH» – севимли нашрим




***Бу йил 80 ёшни қаршиладим. 45 йил ёшларга таълим-тарбия бердим. Газета, китоб ўқиш жону дилим. Ўзим ҳам 60 йилдан буён турли нашрларда хабар ва мақоларим билан қатнашиб тураман.***

*Касаба уюшма фахрийси бўлганим боис, «Ishonch»нинг ҳар бир сонини мутолаа қилиб бораман. Яқинда унда «Маърифат» бизнинг газетамиз ва бизники бўлиб қолсин» сарлавҳали мақолани ўқиб, ўйланиб қолдим. Жуда ўринли чиқиш бўлибди. Ростдан ҳам мактаб ўқитувчилари бу нашрни ўқимаяпти. Бу ачинарли, албатта. Ёдимда, 1970 йилларда мактабимиз директори Тўла Отабоев (марҳум) «Ўқитувчилар газетасининг редактори ким?» деб сўраганди. Мен ўшанда дадил жавоб қайтарганман. Ҳозир-чи? Мактабларда бўлиб тураман. Афсуски, ёш устозлар «Маърифат»ни ўқишмаяпти. Билишмайди ҳам. Ўзим эса газетани кутубхонадан топиб ўқийман. «Ishonch» деярли ҳар бир сонида бу каби долзарб мавзуларни кўтариб чиққани билан ҳам қадрли ва халқимизнинг севимли нашрига айланган.*

*Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қарши тумани кенгаши раиси Умиджон Мустаев яхши газетхон. Бошланғич ташкилотлардаги етакчилардан касаба уюшма ишида фаол бўлишни, ходимлар манфаати йўлида ташаббускорлик кўрсатишни сўрайди. Биз каби нафақадаги фахрийларга ҳам эътиборли. Байрамларда йўқлаб туради, совға-саломлар улашади. Сўнгги йилларда касабанинг фаолият қамрови кенгайди. Айниқса, ходимларнинг яқин қариндошлари соғломлаштирилаётгани ҳам жуда савобли иш бўляпти. Яқинда у мени 2024 йил учун севимли газетам – «Ishonch»га обуна қилди. Жуда хурсанд бўлдим. Энди оиламиз билан йил бўйи мулоҳазали, мушоҳадага чорлайдиган, шу билан бирга, танқидий-таҳлилий мақолалар, бошланғич ташкилотлар ҳақидаги лавҳаларни мириқиб ўқиймиз.*

*Фурсатдан фойдаланиб, соҳа ходимларини 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни билан табриклайман. Савобли ишларида омад қўшқанот бўлсин!*

**Худойберди НАЗАРОВ,**
касаба уюшмаси фахрийси

*Қарши тумани*

*Миннатдорлик*

## ТУТҚУНЛИК ГИРДОБИДАН олиб чиққанларга ташаккур

*Яқинларинг ва Ватан тупроғи тафтидан кўра азиз ҳис йўқлигини юртдан йироқда яшаб, ҳис қилдим.*

*2023 йил 16 май куни «ishonch.uz» расмий хабарлар каналида «Қуллик: Қозоғистонда ўзбекистонлик фуқаро 6 йилдан бери тутқунликда ушлаб турилибди» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда менинг аччиқ тақдирим – алдов йўли билан сотиб юборилганим тўғрисида хабар берилганди.*

*Кўп вақт ўтмай Ўзбекистоннинг Қозоғистондаги элчихонаси ёрдами билан тутқунликдан озод қилиндим. Ҳозир мени мажбурлаб ишлатган шахсларга нисбатан жиноят иши очилган.*

*Уйга қайтгач, тегишли мутасаддиларнинг ўз вақтида кўрсатган ёрдамлари туфайли Андижон вилояти кўз касалликлари шифохонасида бепул даволандим. Шу кунларда Избоскан тумани аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ёрдамида ишга жойлашяпман.*

*Бошимдан ўтказган 6 йиллик мажбурий ишлаган иссиқ-совуқ кунлардан хулоса қилиб, давлатимиз сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш биринчи галдаги вазифа эканлигини англадим. Мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг тинч ва бахтли ҳаёт кечириши, соғлом бўлиши учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиб беришдай эзгу ҳаракатлар олиб борилаётганлигини ўз танамда ҳис қилдим.*

*Муҳими, шу кунларда ҳаётдан рози бўлиб яшаяпман. Бунинг учун оғир дамларда менга ёрдам қўлини чўзган меҳр-оқибатли кишиларга ўз миннатдорлигимни билдираман. Бу яхшиликларни ҳеч қачон унутмайман.*



**СУРАТДА:** ***Аъламжон Абдуллаев Ўзбекистон элчихонаси ва Қозоғистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари томонидан қариндошларига топширилаётган пайт.***

*Кўнглимдан ўтганларини тақдиримда муҳим бурилиш ясаган, тутқунликдан қутулиб, она юртимга қайтишимга сабабчи бўлган «Ishonch» газетаси таҳририятига юборяпман.*

*Чоп этилса, беҳад миннатдор бўлар эдим, деб.*

**Аъламжон АБДУЛЛАЕВ**

*Избоскан тумани*

*Ташаббус*

## Барчаси рисоладагидек

*Раҳбардан жамоага, қолаверса, теварак-атрофдагиларга ибрат бўладиган сифатлар талаб этилади. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишда ана шу омиллар ҳисобга олинади. Аммо кейинги пайтларда баъзи раҳбарларнинг савияси ҳаминқадарлиги ҳақида кўп гаплар бўлмоқда.*

*Тўғриси, бу борада Самарқандда ташкил этилган бир ташаббус қўлимга қалам олишга ундади. Яқинда вилоятдаги бошқарма ва идора раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари, ўринбосарлари, жами 240 нафар мансабдор 40 саволдан иборат тест синовидан ўтказилди.*

*Инсон омили аралашувисиз, компьютер томонидан баҳоланган тестда жамоани бошқараётган раҳбарларнинг 99 нафари синовдан «аъло» баҳо олишди. 94 нафарининг янги таҳрирдаги Конституция бўйича билимлари «яхши», 41 нафариники эса «қониқарли» дея эътироф этилди. Ўн нафар масъулнинг билим даражаси пастлиги аёнлашди. Бундан ҳам кўриниб турибдики, кадрлар сиёсатида амалга оширилаётган ишлар ва талаб рисолагидек кечмоқда.*

*Аслини олганда бошқарувда нафақат қобилият, балки юксак интеллектуал билим ҳам талаб этиляпти. Раҳбарлик курсисига ўтирган ҳар бир киши вазифа масъулиятини ҳис қилиши, ўз устида изланиши керак. Ана шундагина ривожланиш, қонунларга риоя қилиш янги босқичга кўтарилган бўлар эди.*

**Шерали ҲОТАМОВ,**
иқтисодчи

*Самарқанд шаҳри*



**ТАҲРИРИЯТДАН:**

**Азиз муштарийлар! Газета, бу – минбар. Таъсирланганингиз эзгу ишларни кўпчилик билан баҳам кўрмоқчимисиз, марҳамат, эшигимиз ҳамиша сиз учун очиқ. Мабодо бугунги ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган баъзи муаммоларга ечим ахтараётган бўлсангиз, ҳеч иккиланмай битикларингизни бизга юборишингиз мумкин.**

**Эълон**

Тошкент тумани давлат хизматлари Маркази томонидан 2015 йил 15 майда рўйхатдан ўтган «KULTEPA FAYZ OSHYONI» оилавий корхонаси (СТИР: 303337241) ўз фаолиятини ўз ихтиёри билан тугатаётганини маълум қилади.



# ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ, ЙЎЛ ВА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ, ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

*Барча юртдошларимизни, хусусан, касаба уюшмалари тизими фаоллари ва аъзоларини*

**11 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ**

*билан самимий муборакбод этади!*

*Ўз ҳаётини шарафли вазифа – меҳнат ва меҳнат эгаларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишлаган юртдошларимизга омад ва муваффақиятлар доимо ёр бўлсин!*

**БАЙРАМ МУБОРАК БЎЛСИН!**

# ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

*Халқимизга фидокорона хизмат қилаётган, меҳнаткашлар манфаатлари ҳимоясида собит турган соҳа ходимларини*

**11 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ ВА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ**

*билан самимий қутлайди!*





*Юртимизда ҳамиша тинчлик барқарор, осмонимиз эса мусаффо бўлсин! Соғлиқ-саломатлик ва хонадонингизда доимо хотиржамлик ҳукмронлик қилсин!*

**ЭЛГА ХИЗМАТ ҚИЛИШДАН АСЛО ЧАРЧАМАНГ!**

# «САЁҲАТ САРИ» УНИТАР КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ

*Касаба уюшмаси тизимида ишлаётган барча ходимларни ва касаба уюшма аъзоларини*

**11 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ**

*билан қутлайди.*

*Ҳаммага тинчлик-хотиржамлик, яхши кайфият ва мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Касб байрамингиз қутлуғ бўлсин!*






Спорт

## БИРДАМЛИК БИЛАН...

**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши кубоги учун педагог-ўқитувчилар ўртасида спорт мусобақаси ташкил этилди.**

– «Спорт – саломатлик гарови» шиори остида кечган баҳсларда иштирокчилар Тошкент шаҳар кенгаши кубоги учун ўзаро куч синашди, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Абдуҳалил Раҳмонов. – Спортнинг мини-футбол, шахмат-шашка, стол тенниси, бадминтон, дартс турлари бўйича уюштирилган мазкур мусобақа уч босқичда бўлиб ўтди.

Қизғин ва баҳс-мунозарага бой кечган беллашувларда биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган жамоалар ҳамда фаол иштирокчиларга турли номинациялар бўйича диплом, медаль ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Жамоавий ҳисобда Яшнобод тумани жамоаси энг кўп балл тўплаб, Тошкент шаҳар кенгашининг кубогига сазовор бўлди.

**Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ**
«ISHONCH»

Мусобақа

## МАЪНАН ВА ЖИСМОНАН КЎТАРИНКИЛИКДА

**Хушманзара ва баҳаво тоғлар бағрида жойлашган «Чотқол реабилитация маркази»да Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда тармоқнинг Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси ҳамкорлигида Касаба уюшмалари куни муносабати билан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда шаҳар бирлашган қўмитаси тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар бошланғич касаба уюшма раислари ва фаоллари қатнашди.**

Куннинг биринчи ярмида меҳнат қонунчилигидаги янгиликлар ва ўзгаришлар юзасидан ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда меҳнат ҳуқуқи ва муҳофазасига доир қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар ўрганилди. Жумладан, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун, Меҳнат кодекси, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси мазмун-моҳияти атрофлича муҳокама қилинди.

Куннинг иккинчи ярмида эса «Саломатлик-2023» спартакиадаси ташкил этилди. Эркаклар ва аёллар ўртасида шашка, дартс, стол тенниси, волейбол, арқон тортиш мусобақалари қизғин давом этди. Эркаклар ўртасида бильярд спорт ўйинлари ҳам кўтаринкиликда кечди.

Ғолиблар фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Ҳусния ШОКИРОВА**



Тўйхат ўрнида



# ТИЛАК



Вақтнинг учқурлигини қаранг...

Кечагина тойчоқдек ирғишлаб юрган Алишер Ибодинов ҳам бугун оқсоқоллик остонасини босиб ўтиб, етмишбойлар сафига қўшилмоқда.

Етмиш ёш эса, ортга бир ўгирилиб, «Нима қилдинг ва умринг давомида нималарга эришдинг?» деган саволларга жавоб излайдиган фасл. Бу саволларга Алишер Ибодиновнинг ўзи шундай жавоб беради: «Ҳаётимда қилолмаган ишларим, туғилмаган асарларим мени яшашга ундайди. Ўтган ҳаётимдан эса миннатдорман. У менга ҳамиша сахийлик билан қаради».

Алишернинг ҳаётда сахийлик билан сийланганi бор гап.

Собиқ СССР замонида алоҳида ҳарбий қисмларга, жумладан, денгиз флотига ҳам маҳаллий миллат фарзандларидан кам аскар олинар, олинганда ҳам, чертиб-чертиб синовдан ўтган, энг норғул йигитлар бу бахтга сазовор бўларди. Алишер ҳарбий хизматга чақирилганида денгиз флотига тушади. У хизмат қилаётган ҳарбий кема ёқилғи захирасини тўлдириб олиш учун олис Африкадаги Сомали портида тўхтаганида у юрт соғинчи, ёшликдаги муҳаббати изтиробу қувончлари битилган илк ҳикоясини «Гулистон» журналига юборади. Бу ҳикоя ўзбек адабиётининг бутун бир иқтидорли авлодига доялик қилган гулистончи Асқад Мухтор, Ваҳоб Рўзиматов, Маҳмуд Саъдийлар эътиборини тортади.

Хуллас, биз Алишер Ибодинов деган ёзувчини «Гулистон»да босилган ана шу илк ҳикояси – «Гулсапсар ҳиди» орқали сиртдан таниганмиз. Таниқли адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев бу жараённи «ҳақиқий ижодкорнинг битиклари ўзидан олдин юради», дея таърифлайди.

Ўз даврида адабиётимиз монометрига айланган «Гулистон» журналида Алишернинг яна иккита ҳикояси босилди. Натижада у аскарлик пайтидаёқ адабиёт ихлосмандларининг севимли ёзувчисига айланиб улгурди. Шундан бўлса керак, таниқли адиб Хайриддин Султонов «Биз ёзувчилик мартабасига катта меҳнат билан етишганмиз. Алишер Ибодиновнинг ёзувчилиги табиий, Яратган томонидан унга шундай иқтидор инъом қилинган», деган гапни кўп такрорлайди.

Учинчи курсда ўқиётганимизда биринчи курс талабалари орасида тўрт аскар йигит алоҳида ажралиб турарди. Бугун улар – ахборот майдонида ўз ўрнига эга бўлган Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Анваржон Абдувалиев, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг таниқли олимларидан бири, филология фанлари доктори, профессор Юсуфжон Ҳамдамов, божхона фахрийси Комилжон Раҳмонбердиев ва катта ёзувчи Алишер Ибодинов мақоми билан элимиз ардоғида яшамоқда.

Талабалик йилларимиз ҳақида Алишер «Мусасарой эртаклари» мақоласида шундай деб ёзади: «***Қорасарой бўйлаб Қумлоқ тарафга бирор чақирим юрилса, машҳур Чувалачи кўчасининг бошида бир-бирига мос пастқам уйлар тизимидаги таниш дарвозага дуч келардингиз. Бу ерда ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг ўша пайтдаги кўплаб талабаларига яхши таниш даргоҳ – «Мусасарой» жойлашган эди. Бева кампирга тегишли бу уйда бўлғуси журналист, шоир ва адиб Абдухолиқ Абдураззоқов ижарада турарди. Бу хонадон унинг дўстлари, айниқса, жонажон тўрт нафар курсдоши – Хайриддин** (Хайриддин Султонов – таниқли адиб), **Ғайрат** (Ғайрат Болтабоев – заҳирадаги полковник), **Бахтиёр** (Бахтиёр Назаров – таниқли ҳуқуқшунос-журналист), **Усмонали** (Усмонали Умаралиев – бешариқлик донгдор фермер) **учун хонадон деярли иккинчи уйга айланган эди.***

***Мен гарчи улардан икки курс пастда ўқиган эсам-да, Ғайрат билан тенгдош, Мусо акадан бир-икки ёш кичиклигим боисми ёки кўнглим шу «бешлик» суҳбатига интилавергани учунми, «Мусасаройда кўп бўлардим».***

...Хайриддин Султон шеваси билан айтганда, «дорилфунунни тугатиб, кейин ҳаммамиз ҳар ёққа тарқаб кетдик». Аммо инсон ҳаётида яхши тасодифлар ҳам кўп учраб турар экан. Орадан анча йиллар ўтиб, тақдир бизни Алишер Ибодинов билан яна учраштирди. Келинг, бу ҳақда унинг ўзидан ўқийлик:

***«Талабалик даврим, яъни ўтган асрнинг етмишинчи йиллари охирларида бир-икки қисса ва ҳикояларим жамланган китоблар билан адабиётда кўринган эсам-да, ўқишни тугаллаб, она юртим Фарғонага ишга келгач, ўзимни буткул журналистикага бағишлаган эдим. 90-йиллар бошларига қадар, яъни ўн йилдан ортиқ муддат бирорта ҳам бадиий асар битмадим. Тошкентдан, Мусо ака томонидан билдирилган рағбат, қаламимга ишонч мени яна адабиётга қайтарди. «Қонун ҳимоясида» журналида бирин-кетин «Латофат дўконидаги қатл», «Деразани чертганида ёмғиру шамол», «Қайғусиз қаср» каби ўнга яқин қиссаларим эълон қилинди».***

Шундан кейин Алишер Ибодинов кўплаб ўқишли қиссаю ҳикоялар, «Шафқатсиз тоғлар» ва «Худоёрхоннинг сўнгги кунлари» тарихий романларини ёзди. Улар ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

Алишер Ибодиновнинг асарлари ва уларнинг бадиий хусусиятлари ҳақида мунаққидларимиз кўп ёзишган ва ишончимиз комилки, яна ёзишади. Биз эса ушбу мақолада унинг ҳаёти ва фаолиятининг бошқа қирраларига тўхталмоқчимиз.

Кўпчилик, жумладан, ҳозирги авлод вакиллари мамлакатимизда илк ҳуқуқий газетанинг биринчи ташкилотчиси Алишер Ибодинов эканини билмаса керак. Ҳа, шундай, Мустақилликнинг илк йилларида Алишер Фарғона вилоят прокуратураси қошида «Адолат йўлида» ҳафтаномасини чоп этишни йўлга қўйди. Бу газета ўн йиллар давомида вилоят аҳолисининг ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилиб келди. Айни пайтда ушбу нашр қошида ҳуқуқ соҳасида ижод қилувчи кўплаб журналистлар вояга етди.

Атоқли ёзувчи, моҳир журналист Алишер Ибодинов ибратли оила бошлиғи сифатида ҳам юртдошларининг ҳурматини қозонган. Турмуш ўртоғи Холидахон билан икки ўғил ва икки қизни тарбиялаб вояга етказишди. Қизлари олий маълумотли шифокор. Ўғиллари малакали мутахассис сифатида бошқарув идораларида ишлашади.

Мавриди келгани учун ёзаяпман: Алишернинг катта ўғли Улуғбек журналистлик ўқишини тугатгандан сўнг «Ishonch» газетасига ишга келиб, соҳанинг паст-баландини яхши ўзлаштирди. Курсдош қизи билан севишиб турмуш қурмоқчи бўлганида эса Алишер Ибодинов қаттиқ қаршилик қилган. Сабаби – бўлажак келин Сурхондарёнинг Қумқўрғонидан бўлган. Қолаверса, Алишернинг ўзи ҳам қашқадарёлик курсдоши Холидахон билан севишиб, унга уйланган. Лекин ҳаёт фақат севишиб, мажнунтол тагида ширин суҳбатлар қуришдан иборат эмас. Тўй-маърака дегандай, қуда-андачиликнинг ўзига яраша қонун-қоидалари бор. Фарғона билан Қаршининг ораси эса бир неча юз километр. Ёшликда йўл азоби унчалик билинмаган. Лекин кексайганда уларга бу кўп малоллик келтирган. Шунинг учун ҳам Алишер ўғли Қашқадарёдан ҳам нарида жойлашган сурхондарёлик қизга уйланишига рози бўлмаган эди. Барибир, муҳаббат ғолиб келди. Ҳозир Улуғбек ва сурхондарёлик келинимиз уч нафар гулдай фарзандни вояга етказишмоқда. Баъзан Алишерга ҳазиллашиб «Келгусида набираларингиз Сурхондарёдан ҳам наридаги Афғонистондан келин топса нима қиласиз?» деб сўраймиз. Табиийки, ундан ўзига ярашган майин табассум ила жавоб оламиз.

Алишербек дўстим! Ана шу нурли табассум ҳеч қачон юзингиздан аримасин. Қувонч, кураш ва ғалаба бундан кейин ҳам ҳаётингизни безаги бўлиб гуллайверсин!

*Бир гуруҳ дўстларингиз номидан*

**Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ,**
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

> ЎЗ ДАВРИДА АДАБИЁТИМИЗ МОНОМЕТРИГА АЙЛАНГАН «ГУЛИСТОН» ЖУРНАЛИДА АЛИШЕРНИНГ ЯНА ИККИТА ҲИКОЯСИ БОСИЛДИ. НАТИЖАДА У АСКАРЛИК ПАЙТИДАЁҚ АДАБИЁТ ИХЛОСМАНДЛАРИНИНГ СЕВИМЛИ ЁЗУВЧИСИГА АЙЛАНИБ УЛГУРДИ. ШУНДАН БЎЛСА КЕРАК, ТАНИҚЛИ АДИБ ХАЙРИДДИН СУЛТОНОВ «БИЗ ЁЗУВЧИЛИК МАРТАБАСИГА КАТТА МЕҲНАТ БИЛАН ЕТИШГАНМИЗ. АЛИШЕР ИБОДИНОВНИНГ ЁЗУВЧИЛИГИ ТАБИИЙ, ЯРАТГАН ТОМОНИДАН УНГА ШУНДАЙ ИҚТИДОР ИНЪОМ ҚИЛИНГАН», ДЕГАН ГАПНИ КЎП ТАКРОРЛАЙДИ.

> АТОҚЛИ ЁЗУВЧИ, МОҲИР ЖУРНАЛИСТ АЛИШЕР ИБОДИНОВ ИБРАТЛИ ОИЛА БОШЛИҒИ СИФАТИДА ҲАМ ЮРТДОШЛАРИНИНГ ҲУРМАТИНИ ҚОЗОНГАН. ТУРМУШ ЎРТОҒИ ХОЛИДАХОН БИЛАН ИККИ ЎҒИЛ ВА ИККИ ҚИЗНИ ТАРБИЯЛАБ ВОЯГА ЕТКАЗИШДИ. ҚИЗЛАРИ ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ШИФОКОР. ЎҒИЛЛАРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС СИФАТИДА БОШҚАРУВ ИДОРАЛАРИДА ИШЛАШАДИ.

---

Тафаккур



# ШУКР – НЕЪМАТЛАРНИ КЎПАЙТИРАДИ

**Дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар бизни бугунимиз, эртамиз ҳақида янада кўпроқ тафаккур қилишга чорлаяпти. Зеро, борлиқ ва ундаги ҳодисаларни тафаккур элагидан ўтказганимиз сари ўзимизнинг қай аҳволда эканимизни чуқурроқ англаб борамиз. Қолаверса, бу бизни ҳозирда қўлимизда мавжуд бўлган беҳисоб неъматларга шукр қилишга ундайди.**

Шукр бугунги ҳаётимиздан, турмушимиздан, қилаётган фаолиятимиз ва бизга кўрсатилаётган муомалалардан розилик туйиб, мамнун ва хотиржам яшаш деганидир. Бу тарзда яшаш ўз ҳаётимиздан кўпроқ баҳра топишимизда жуда муҳим омил ҳисобланади. Дунёга некбин нигоҳлар билан боқиш, ҳар нарсани яхшиликка йўйиш, ҳар бир ҳодисадан яхшилик излаш бизнинг чинакам хотиржамлигимизни таъмин этади. Ҳаётнинг гоҳ баланд, гоҳ паст йўлларида хайрли ниятлар, истиқболли умидлар бизга ҳамиша ҳамроҳ бўлиши зарур. Яхшиликни кўзлаш, шу йўлда холис бўлиш, доимо яхшилик учун ҳаракат қилиш умрнинг чинакам саодатли ўтишига хизмат қилади.

Бу ҳақда Пайғамбаримиз алайҳиссалом «Икки неъмат борки, одамларнинг кўплари уларни бой бериб қўядилар – (улар) саломатлик ва хотиржамликдир», деганлар. Дарҳақиқат, ҳаётимиз шу икки неъматга чамбарчас боғлиқдир. Агар саломатлик ва тинчлик-хотиржамлик бўлмаса, инсон ўз олдига қўйган улкан хайрли ишларини амалга ошира олмайди. Ўз ҳаётидан кўнгли тўлмайди. Шунинг учун бу икки неъматнинг қадрига етиш, ундан маҳрум бўлиб қолмасликка интилиш тавсия этилмоқда.

Саломатлик дейилганда кўпчилик тананинг моддий хасталиклардан холи бўлишини тушунади. Бу ҳам тўғри, албатта. Сабаби – танадаги барча аъзолар сиҳат-саломат бўлсагина инсонга бошқа неъматлар татийди. Шундагина инсон ўз олдига қўйган катта мақсадларини амалга оширишга ғайрат билан бел боғлаб киришади. Шу билан бирга, саломатлик неъмати бизга йиллар давомида турли хасталикларга чалиниб касалхоналарда, хонадонларда ётган ёки оғир хасталикдан азоб чекиб яшаётган беморлар ҳолини тафаккур қилишга ундайди. Ана шу тафаккур соғлом ҳаётимизга шукр қилиб яшаш сабоғини беради.

Айримлар саломатлик дейилганда фақат моддий хасталикларни тушунади. Аммо маънавий хасталиклар моддий касалликдан кўра хатарлироқ эканини кўпчилик ҳис қилолмайди. Бу ҳақда Пайғамбаримиз марҳамат қиладиларки: «Инсон танасида бир парча гўшт бор. Агар у соғлом бўлса, бутун тана саломат бўлади. Агар у бузилса, бутун вужуд фасодга юз тутади. Билиб қўйингки, у – қалбдир!» Бундан маълум бўладики, кўксимизда уриб турган қалбимиз фасодга юз тутса, танадаги барча аъзоларга путур кетиб, таназзулга учрайди. Бунда инсон ғийбат, чақимчилик, бошқаларга азият етказиш, адолатсизлик, бошқалар ҳисобидан кун кўриш, боқимандалик, тажовуз, ёлғон каби кўплаб иллатлардан сақлана олмай қолади. Булар орасида энг хатарлиси фитнадир. Унинг инсонларга ва жамиятга етказадиган зарари ҳатто қатл – одам ўлдиришдан ҳам ёмонроқ экани алоҳида таъкидланган. Фитна ораларни ажратадиган, меҳр-оқибат ва қон-қариндошлик ришталарини узадиган, болани отага, укани акага душман қилиб қўядиган энг хатарли иллатдир. Фитна сабабли халқлар бир-бирига ёв бўлиб қолади. Фитна сабабли қирғинбарот урушлар бошланади. Фитна боис фарзандлар етим қолади. Одамлар ўзлари яшаб турган иссиқ маконларидан айрилади. Фитна оралаган, уруш-жанжал чиққан жойдан эса қут-барака кўтарилади...

Бугун дунёнинг турли бурчакларида бўлаётган нотинчликларни ибрат назари билан кўриш ва тўғри хулоса чиқариш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Ҳар хил фитналардан холи ҳолда хайрли ишларга камарбаста бўлиб яшашимиз бугунги кунимизга ва қўлимиздаги тинчлик, хотиржамлик неъматига чинакам шукримиз ифодаси эканлигини асло фаромуш этмаслигимиз даркор.

**Шуҳрат ҒОЙИМОВ,**
Тошкент шаҳридаги «Кулол-қўрғон» жомеъ масжиди имом-хатиби

---

Фарғона вилояти

Спартакиада

# ФАОЛЛАР БЕЛЛАШУВИ

**Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши бошланғич ташкилотлар фаоллари ўртасида спартакиада ўтказди.**

«Қўқон» болалар оромгоҳида ташкил этилган мазкур спорт мусобақасида иштирокчилар спортнинг стол тенниси, шашка ва дартс турлари бўйича беллашдилар.

– Бугунги спорт тадбирида ҳамкасбларим билан ҳақиқий байрамни ҳис этдик. Мен аёллар ўртасида ўтказилган шашка мусобақасида 1-ўринни эгалладим, – дейди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Данғара тумани кенгаши раиси Иродахон Усмонова.

– Байрам баҳона бир сафда меҳнат қилиб келаётган ҳамкасбларимни кўриб, дилдан суҳбатлашдик. Улар билан беллашиш янада қизиқ бўлди, – дейди эркаклар ўртасида стол тенниси мусобақасида ғолибликни қўлга киритган Бувайда тумани мудофаа бўлими ходими Шуҳратжон Бобожонов.

Мусобақа ғолибларига эсдалик совғалари ва китоблар туҳфа этилди.

**Расулжон РАҲИМОВ,**
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши раиси




**МУАССИС:**
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay’ati raisi), Ulug‘bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G‘OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari), Mehriddin SHUKUROV (Mas’ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

**Bosh muharrir**
Husan ERMATOV

**Bo‘limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog‘iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-99) 889-98-02
**Navoiy viloyati –** (+998-99) 889-90-28
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg‘ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** S. Abdurahmonov

**Musahhihlar:** D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti –** 23:40
**Topshirildi –** 00:10

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

**Tahririyat hisobraqami:**
2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.
**Buyurtma 604**
Nashr ko‘rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 30348**
**16331** nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:**
Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uy.